

Хидир Чоршанбиев

БОЙСУҢ ОҶАНГАРИ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

85,314 Вокзал мусиқаси

Бойсунлик иқтидорли ижодкор Хидир Чоршанбиев ўз ҳис-туйғулари, орзу-армонларини ифода этишда бахшиёна йўлни танлаган. Шу бойс халқона, самимий, содда ва оҳангдор мисралар ўқувчини беихтиёр ўзига ром қилади. Ушбу китобга жамланган озодлик ва дўстлик, орият ва мардлик, эзгулик ва ёмонлик, бахтли замон ва она юрт ҳақидаги дoston ва шеърлар Сиз азиз ўқувчига ҳам манзур бўлади, деган умиддамиз.

NATLIB.UZ

20 01	Alisher Navoiy nomidagi
А.249	O'zbekiston MK

10 32739
2g1

ISBN 5-633-01972-5

© Хидир Чоршанбиев, «Бойсун оҳанглари». «Янги аср авлоди», 2006

ЎЗГАНЛАРИМ ҲАҚИДА

Ватанимиз мустақил деб эълон қилинди. Кўнгиллар қувончга тўлди. Биринчи кунлардан бошлаб муқаддас ота-Ватан мустақиллиги учун энди янада кўпроқ, унумли ва самаралироқ ишлашим, яратишим керак, деб ўзимга вазифа қўйдим.

Шу дамларда тумандаги энг йирик хўжаликда раҳбар сифатида қилаётган ишларимдан кўнглим қониқмади. Бирор нарсалар ёзиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга яна озгина бўлса ҳам ҳисса қўшмоқчи бўлдим. Шўролар тузуми даврида, айниқса, унинг ўрнатилаётгани пайтларида қанчалар зиёли, бадавлат, ишнинг кўзини биладиганлар жонини сақлаш учун ўзга юртларга қочиб кетганини эсладим. Афсусландим, қайгурдим. Ажабландим...!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг илк пойдеворини яратишга бутун Ер юзидаги ватандошларимни Ватанга қайтинг, Ватанга келинг, демоқчи бўлиб "Бойсунга кел" номли Бойсунтоғ лавҳалари ва мустақиллик шарофати туфайли эришганларимизни, Мустақиллик кунини мадҳ этувчи шеърый туйгуларимни тўплам қилиб, китобча шаклида нашр эттирдим.

Шундан сўнг Ватан ори, миллат ори учун курашишни биринчи вазифалардан деб ҳисоблаб, "Алпомишнинг ори" номли кичик бир достон ёзиб, ор учун курашайлик, Ватанни кўрсатайлик, демоқчи бўлдим.

Ори бор жойда меҳр бўлади, деб ҳисоблайман. Бир-биримизга меҳр кўрғазиб, Ватанимизни оламга танитайлик, меҳрибон бўлайлик, демоқчи бўлдим. Шу ниятда «Алпомишнинг меҳри» номли кичик достон нашр қилдирдим. Меҳр бор жойда адоват йўқ, газоват йўқ, осойишталик бор, хотиржамлик бор, завқ-шавқ бор, дедим.

Санъатиунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков ташаббуси билан "Туронда тўй" кўшигим "Бой-сун баҳори" халқаро фольклор фестивали мадҳияси қилиб қабул қилинди, муסיқасини Аваз Мансур ёзди.

Менинг ўйлашимча, Ўзбекистон халқи ор учун курашиб, бир-бирига меҳр кўргазиб, Ўзбекистонни оламга танитгандай, ўз ўрнини тенглар ичида тенг топгандай бўлди.

Шундан сўнг, мен Ватаним ҳақида кўшиқ ёзмоқчи, унинг буюк келажаси ҳақида куйламоқчи, бошқалар ҳавас қилсин, демоқчи бўлдим-да, Ватан остонадан бошланади-ку, дея "Бой-сун менинг кўшигим" шеърий тўпламимни нашр қилдирдим.

Бу орада Ватанимиз Мучал ёшидан ўтди. Одамлар қалбида Ватан туйғуси шаклланди. Ватанга садоқат, халққа садоқат, дўстга, фарзандга садоқат юксалди. Мен шод бўлиб "Алпомишининг садоқати" деган кичик достонимни ёзиб тугатдим. Садоқатли инсонлар ўлмайди, жисми кетса ҳам руҳи кетмайди, деб айта олдим.

Мустақил Ватанимизда, обод-озод юртда қадриятлар тикланди, тўйлар миллий руҳда завқ-шавққа тўлиб ўта бошлади. Сайиллар бошланди. Миллий кураш тикланди, От Кўпкари тикланди. Мен "Сайилдаги бахшилар" номли тўплам қилиб, шодлик, гурур, ифтихор ҳақида билганимча ёздим.

Ҳамма эришганларимизни эҳтиёт бўлиб сақлайлик, огоҳ бўлайлик, деб огоҳликка даъват бўлсин, дея "Бойсунқур бахшининг деганлари" номли кичик достон ёздим.

Билганларимни ёздим, кўрганларимни ёздим. Мухлис топа олдим-му йўқ, билмайман. Ҳали ниятларим кўп.

Муаллиф

АЛПОМИШНИНГ САДОҚАТИ

Алпомиш ўғай онаси Бодом бекач илтижоларини инобатга олиб, кўнгли эриб, унинг хиёнаткор ўғли Ултонтозни қулликдан, ўлимдан озод қилиб, эркини ўзига бериб, Бойсун-Қўнғиротдан чиқиб кетишига изн бериб, бошқа хиёнаткорлардан Қўнғирот қўрғонини тошлаб, олчанглаб-олчанглаб, дўрранглаб-дорранглаб даври-даврон суриб юраверди.

Алпомиш, кунлардан бир кун Оқсоқол — ақобирларини йиғиб, қўчқорларни сўйиб, қозонларни осиб, машварат ўтказди.

Шунда давра тўрида ўтирган Мулкомон ва Эломон оқсоқолларга сўз бериб, қани юртда нима гаплар бор, эл юрт аҳли қандай яшамоқда, гапириб берингизлар, деди.

Шунда Мулкомон оқсоқол Алпомишга таъзим қилиб қараб, соқолини бармоқ билан тараб, муртини бураб, дўмбирасини қўлга олиб, қўлга қайтган юртинг, отинг, бахтинг-тахтинг, элинг-боринг муборак бўлсин, деб сўз сўзлаб турган жойи:

Халқларни дўст қилиш бўлиб нятинг,
Қалмоқнинг чоҳида етти йил ётдинг.
Кайқубодни шоҳ қиб, юртингга қайтдинг,
Ушалган нятинг бўлсин муборак.

Болам қайтсин деди, Кунтуғмиш онанг,
Шайх Мардонга сиғинди Бойбўри отанг.
Вўрдонглайсан, ота-онанг қошингда,
Отанг-онанг билан Ватан муборак.

Бойсун тоғ сувлари толли-шифодир,
Қизларин нияти, эрга вафодир.
Султоним тилагинг, доим сафодир,
Ота тахтинг энди бўлсин муборак.

Бадқилиқлар иши элга жафодир,
Дорранглашдан ўзга, кулфат ошодир.
Тўлган нарса бир кун албат тошодир.
Қайта кулган бахтинг бўлсин муборак.

Ватангадо Ултон, бўлсин пушаймон,
Ким элни сотса у хонавайрон.
Бойсун-Қўнғиротда сургайсанг даврон,
Давру-давронларинг бўлсин муборак.

Танти дўстлар қилар дўстга садоқат,
Садоқат қилганнинг охири обод.
Садоқат талабин қилди Қоражон,
Садоқатли дўст-ёр, бўлсин муборак.

От йигитга қанот, дейди донолар,
Асл пиринг султоним, Шайх Мардон бўлар.
Бойчибор остингда юлдузни кўзлар
Тулпоринг Бойчибор бўлсин муборак.

Қаллигинг Ойбарчин, аҳдин бузмади
Лочин қўнган тўшга, қарға қўнмади.
Қалмоқда бўлсанг-да, чироқ сўнмади,
Вафодор Ойбарчин бўлсин муборак.

Шер боласи шердир исбот керакмас,
Шерлар ҳеч замонда ўлакса емас.
Ёдгор қилган ишни алп ҳам қилолмас,
Алпсифат ўғлонинг бўлсин муборак.

Оғам қайтсин деди Қалдирғочойим,
Дуосин мустажоб қилди худойим.
Хиёнатдан сақласин сени илоҳим,
Бойсун-Қўнғиротинг бўлсин муборак.

Бахшиман айтарман дўмбирам қўлда,
Зўр боғбон боғ қилар ҳаттоки чўлда.
Абадий эл-юртинг сарбони бўл-да!
Мурод мақсадлар бўлсин муборак.

Бойсун-Қўнғиротим эгали бўлди,
Халқим кўнгли ишонч-севинчга тўлди.
Бойсун-Қўнғиротдан кулги аримас,
Пок ниятли элинг бўлсин муборак.

Яхши халқинг қилиб яхши ниятни,
Йигит сайлаб ололмас Ёр билан отни.
Изн беринг султоним энди бир майдон
Эломон бахшига берай навбатни.

Шунда Алпомийшбек кўшқидан қирмизи чакмон ташлади. Оқсоқоллар уни Мулкомон бахши елкасига ташлаб, вақтини хушлаб, таъзим қилган бахшини чеккага бошлаб, жойни Эломон бахшига бўшатиб, кўшкка томон қаради. Алпомийшбек, бахши айтсин деган имо қилгандан сўнг, Эломон бахши таъзим қилиб, дўмбирасини сайратиб, қатор-қатор сўз-сўзлаб турган жойи:

Мардда бўлар элга, юртга садоқат,
Нопок-нодон қилар юртга хиёнат.
Садоқат кўрғазинг алп Қоражонга
Қўнғирот элининг кўнгли бўлсин шод.

Давлат қўлда бўлса дўст-ёр кўп бўлар,
Меҳр тушиб турмаса оға ёт бўлар.
Бойсун элдан топиб сулув бир қизни,
Қоражонман бўлса, тўй кўп хўп бўлар.

Боланинг суйгани ўйинчоқ бўлар,
Тенгқурдан кам йигит қийпинчоқ бўлар.
Уйлантириб қўйса алп Қоражонни,
Юрт эсига тушса овунчоқ бўлар.

Эшикдан топилса тўрга ўтмагил,
Таги паст нокаسدан неклик кутмагил.
Дўстим деб Қоражон келган Бойсунга,
Қаллиқли қилишни, бек унутмагил.

Бойсунни оралаб кўрсин синчилар,
Топиб ёр юборгил кимга совчилар.
Оқсоқоллар "синдиришсин нон"ини,
Дўстинг учун садоқат ҳам шул бўлар.

Баковуллар қўйиб бошлайлик тўйин,
Қўнғиротда чалсин қўбиз куйини.
Айтувчи юборгин қўшни Қалмоққа,
Улар тайёр эмиш тўйга келмоққа.

Дошқозонлар осиб элга берсак ош,
Танти баковуллар унга бўлса бош.
Бир томон чобағон чопса "кўпкари",
Бир ёқда сулувлар айтсин лапарни.

Эл-юртнинг нияти бугун шул бегим,
Ўзинг ўйлагину фикр қил бегим.
Қуда-анда бўлса Қалмоқ-Қўнғирот,
Абадий қолади Сиздан яхши от.

Молу-мулк кўпайиб сен бўлгин омон,
Халқинг шод яшасин, бўлиб фаровон.
Билганларим айтдим энг азиз бегим,
Сиздан узр сўрайди бахши Эломон.

Шунда ҳамма Алпомиш ўтирган кўшкка қаради, кўшкдан
яна қирмизи тўн ташланди. Сипоҳлар уни Эломон бахши-
нинг елкасига ташлади. Бахши букилиб таъзим қилди.

Шунда Алпомиш ёнида турган Қоражон билан қучоқлашди. "Бегимизнинг дўстлигига офаринлар", — деган мақтовлар янгради.

Алпомишнинг "розимиз, яхши бўлади", — деган гапларидан сўнг, ҳамма шоду хуррам саройдан тарқалди.

Шунда Алпомиш бек Қултой чолни олдига чорлаб, ҳар бир гапни борлаб, дона-дона қилиб, гапни-гапга тизиб, бир сўз сўзлаб турган жойи:

Меваси йўқ боғнинг файзи бўлмайди,
Булбули йўқ чорбоғ сеҳри бўлмайди.
Насл қолсин дейди ҳар бита жонзот,
Қултой бобо, қилинг энди бир ғайрат.

Доно, айтган, кенгашли тўн кенг келар,
Қўшиб қўйган, номард жангдан сўнг келар.
Яхши ният билан дуо қилинса,
Бандаларни иши доим ўнг келар.

Ёнингизга олинг саккиз оқсоқол,
Бу ишни бажаринг кечикмай дарҳол.
Суриштириб чиқинг бор Қўнғиротни,
Топингиз муносиб бир паризотни.

Топган келинимиз энг сулув бўлсин,
Қўнғирот удумин барини билсин.
Дўстим Қоражонга қаллиқ бўлишга,
Ота-онаси ҳам розилик берсин.

Кўнгил нозик нарса асло шошмангиз,
Бирор хонадонга озор бермангиз.
Шарт қўйса мабодо келин бўлгич қиз.
Аниқ билиб олиб бизга айтсангиз.

Қултой бобо Қўнғиротнинг саккиз уруғи оқсоқолларини йиғиб, машварат ўтказди ва Алпомиш султоннинг Қоражонга муносиб қаллиқ танлаш вазифаси зиммаларига юкланганини баён қилиб турган жойи:

Аллоҳнинг сояси ерда шоҳ бўлар,
Фуқаро бурчи ҳукм бажармоқ бўлар.
Ҳалол, сидқидилдан ҳал бўлса ҳукм,
Юртнинг ободлиги ҳам мутлоқ бўлар.

Бўлар эл боласин, ботирим дейди,
Сулув қизларини онақиз дейди.
Баджаҳл, таназзул кетар эл бўлса,
"Жерга кир, жигит ўл, долдув қиз" дейди.

Бойсундан излайлик бир сулув қизни,
Дўст Қоражонга муносиб бўлсин.
Алпимиз шод бўлиб, мақтасин бизни,
Қўнғирот ва Қалмоқ тўйларни қилсин.

Қўнғиротнинг оқсоқоллари кенгашиб, икки муносиб, об-
рўли совчини танлашиб, Боймурод чобағоннинг уйларига
юборишиб, жавобини кутишиб ўтира берди. Шунда, совчи-
лар Боймурод чобағоннинг ўтови ёнига етди, аввалига би-
роз кутди. Қўлида кади, ўлоғини дуркин бир сулувга ушла-
тиб, қолганларини қўганлаб, чибич соғаётган бойвуччага
бир гап қотди:

Алпомиш қайтди-ю, кўнгил тўқ бўлди,
Қаланғи қасанғи юртдан йўқ бўлди.
Бойсунтов булоғи кўзи очилди,
Юртга қут-барака қайта сочилди.

Муносиб қаллиқ топиш бизга юкланди,
Тўйнинг ҳозирлиги юртда бошланди.
Қўнғиротда сулув бир қиз излаймиз,
Топиб Алпомишга хабар қилгаймиз.

Улоғинг кўганда, қўлингда кади,
Улоқ ушлаган қиз, ой жамолли.
Сарпо бўлар сенга ростини айтчи,
Унинг боши очикма жоним эгачи.

Чирийлаб эчкини совган эгачи,
Гап сўрадик тўғри жавоб берсангчи.
Алп дўстига муносиб қаллиқ излаймиз.
Кўзга қўноқ берса шуни танлаймиз.

Тўрайлаб соғилса қўйдан сут бўлади.
Шу элда, шу юртда доим қут бўлади.
Чирий-чирий қилиб соғасан эчки,
Улоқ тутган сулув киминг эгачи.

Жамалак ярашиб тақимга тушган,
Кўрган бўз йигитнинг ақли адашган.
Саройга малика бўлса ярашган.
Маликасифат қиз киминг эгачи.

Сув билан тирикдир доимо балиқ,
Сулувга ярашар ибоби қилиқ.
Сўзлари Бойсинтов сувидай тиниқ,
Тўлин ой жамоли киминг эгачи.

Отасин оти ким, билмайдирмиз биз,
Дидимизга ўтирди ёнингдаги қиз.
Савоб ишга данакар бўлгин эгачи,
Оти ким, отаси ким айтгин эгачи.

Шунда, бойвучча рўмолини бўйнига ўраб, ёнидаги қизга бир-икки қараб, боши очикми, йўқми жавобини отасидан оласизлар, дедида, совчиларни ўтовдаги чоли томон бошлади. Совчилар ўтовга киргач, уй эгаси Боймуродбой уларнинг олдига дастурхон ёзиб, гўр косаларга жумурдаги айрондан қуйди. Совчилар айронни симириб, лабини суртиб, бир-бирин туртиб, ахийри совчилардан бири Ўтаган оқсоқол гап бошлади:

Алпомиш бошлади савоб бир ишни,
Дўсти Қоражонни уйлаб қўйишни.
Бизга топинг деди, баркамол қаллиқ,
Бизлар рози бўлдик қилишиб қуллуқ.

"Қизнинг боши — тангри тоши" деган халқ,
Эшикдан топилса, тўр ўтма дер халқ
Қизи бор уйларга совчилар келар
Халқнинг бу эскидан удуми бўлар.

Қўштамғали овулидан изладик бир-бир,
Бирор ҳуркак оҳу бўлмади манзур.
Оқтамғали ўтовин кириб чиқдик биз,
Топмадик хушқовмат, биз излаган қиз.

Хонжигалиларда кўп дейди сулув,
Кўрганимиз кўнгилда қилмади жилув.
Тортувли қизлари бўларкан дуркун,
Бўз йигит шошади кўрса гар кўркин.

Ойинни қизларин зукко дедилар,
Булбулнинг тилини улар билурлар.
Излаган қиз бўлса доно, хуш чирой,
Эрни-эр қилса-ю, қилиб юрса бой.

Қўнғирот экансиз шуниси басдур,
Қизингиз алпимиз дўстига мосдур.
Рози бўлинг бизлар шод бўп қайтайлик,
Султонга хушхабарни тезроқ айтайлик.

Шунда Боймурот чобағон: "Мен-ку розиман, онаси ва қизимдан сўрайин, оға-ини билан кенгашайин, жавоби-ни айланиб келганингизда айтайин", деди. Шу вақт ўтов ташқарисидан туриб, чийнинг тирқишини озгина суриб, қизнинг онаси Ойжамол бойвучча бир сўз сўйлаб турган жойи:

Йигитнинг бўлса-гар зўр тулпор оти,
Минса чавандознинг кучи бор марди.
Маррага етказса ҳаммадан олдин,
Буниси қизимнинг биринчи шарти.

Белида кучи бор кураш қилади,
Буниси иккинчи шарти бўлади.
Уч қафасда қизим енгилдим деса,
Ўша полвон унга куёв бўлади.

Тонгдан шомга, ўлчаб ўроқ ўрсалар,
Шериги чиғоналаб, хирмон қилсалар.
Чиғиллаб, ғалвирлаб, қизимдан олдин
Донни хирмон қилса, у куёв бўлар.

Шундан совчилар: шартларни билдик, айтган гапларингизни қулоққа илдик, уларни бажариш шартларни сўрайлик, аниғини бўлажак келинимиз Қизларсорадан билайлик, алпимиз рози бўлса тадарогини кўрайлик, ўтовнинг соясида туриб, ибо-ҳаё билан, ёқимтойгина овозда: "Бойсун-Қўнғиротнинг эгаси катта бий султонимиз дўсти Қоражонга сўраган бўлса, учта шартни сидқидилдан бажариш учун қабул қилса, одам юбориб, сўраса, бажариш тартиби тўғри келса айтай», деб сўзлаб турган жойи:

Қулоқ солинг гапимга келган совчилар,
Савобли иш йўлида кўнгил овловчилар.
Султонимиз номидан совчи бўп кебсиз.
Худойига манзур савоб иш қибсиз.

Эшитинг совчилар, шундай шартим бор,
Бажарган жигитга, асал-қантим бор.
Жаллома арқонни, боғлаб белига,
Кураш тушсин мен билан, Элнинг қурида

Уч қафас олинсин, бор кучи билан,
Жами ҳунарлари-ю, бор чили билан.
Танти ва мард бўлсин кураш бобида,
Зўрлигин кўрсатсин оби-тобида.

Елкамни тегизса майдон ерига,
Айланаман шу алпнинг суйган гулига.
Кураш майдонида, бўлмаса ғолиб,
Билсин айланади, отам қулига.

Жигит рози бўлса кўриниш берсин,
Мендан муҳлат олиб, тараддуд кўрсин.
Кураш майдонини аниқлаб қўйсин,
Чор тарафга отлиқ чопар юборсин.

Қари-ю ёш бариси курашга келсин,
Қўнғирот қизининг кучини кўрсин.
Қўнғирот қизлари сулувмас фақат,
Билагада кучи бор, паҳлавон ва мард.

Иккинчи шартимиз шундан иборат:
Алпимизнинг дўсти минсин тулпор от.
Майдон ўртасига ташлансин улоқ.
Икки чабоғон ҳам тортар битта чоқ.

Ҳар икки тарафда иккита марра,
Улоқни ким элтар унга бир карра.
Маррага улоқни бир марта элтган.
Ҳисоб қилинар шу шартни ютган.

Энди эшитинглар учинчи шартни,
Чорлаймиз шартларни бажарган мардни.
Қим тонгдан шомгача, билмайин чарчоқ,
Ғалла майдонида, кўп ўрар ўроқ.

Султонимиз дўсти ҳалол бажарса,
Юқорида айтган, уччала шартни,
Совчи юборсин-да тўйни бошласин,
Чақриб икки халқ элу-элатни.

Бу сўзлардан сўнг совчилар сарой томон чопдилар. Саройдан Қултой чолни топдилар, бўлган гапни айтдилар, жавобини Султондан кутдилар.

Қултой чол саройга кириб кетди, хабар султон Алпомишга етди, дўсти Қоражон билан яхши эшитди ва розимиз деган жавобни айтди. Хушxabар бир дамда Қўнғирот ва Қалмоқ юртига тарқаб кетди. Хабарчи Қалмоқ шоҳи Кайқубодга ҳам етди.

Совчилар шод бўлиб, жағали тўнни кийиб, кўпқари, кураш ўроқ-хирмон бўладиган жойларнинг номларини ва кўпқарининг муддатини Боймурод қудага етказдилар.

Алпомиш Султон чор тарафга чақирувчилар юбориб, кураш ва кўпқари бўладиган кунларни айтиб, ҳеч элат беҳабар қолмасин, деб қайта-қайта тайин қилди.

Шундай қилиб Бойсун-Қўнғиротда Қизларсоранинг биринчи шарти, уч қафаслик курашнинг вақти белгиланиб кураш бошланди:

Оппоқ либос кийган мисоли малак
Танадан кўринмас кўзлардан бўлак.
Даврада айланди, Бойсунлик пари,
Пирлар қўлла дейди, давранинг бари.

Иккинчи томондан, Қоражон чиқди,
Йиғилган халойиқ, кўзини тикди.
Кураш майдони жим-жит бўп қолди.
Томоша қилганлар нафасин ютди.

Дастлаб Қизларсора ёқадан тутди,
Тутти-ю чирпиниб елкага тортди.
Қизларжон зарбига дош бера олмай
Қоражон желаги айрилиб кетди.

Туянинг жунидан тўқилган чакмон,
Чироз бовин тиккан Қалдирғоч шодон.
Ташланди Қоражон полвонга томон
Энди не бўлар деб, йиғилган ҳайрон.

Қоражон энқайиб белбовдан тортти,
Шу заҳот шартиллаб узилиб кетди.
Ипакли арқондан белбов бувгунча
Икки қафас вақти тамом бўп кетди.

Қизларсора чиққач, қурмов чил берди,
Алп Қоражон мункиб, чала бўп тушди.
Қоражон қайтариб қоқма берганди,
Қизларжон тиззалаб, чала бўп тушди.

Икки полвон синаб бири-бирини,
Айирмади ҳеч ким кўзнинг қирини.
Янада қапишиб ушлагандан сўнг,
Баковул бақирди, вақт тамом, куч тенг.

Шундай қилиб курашда зўр аниқ бўлмади, кўпкарида ким зўр бўларини ҳеч ким билмайди, йиғилганлар у деди бу деди, тарқалди. Кўпкари жой, катта Отчопар ҳовори, деб баковул шовхум берди, ҳамма эшитди.

Шу кечаси билан сайислар иккита тулпорни совутиб чиқди. Кун ботди, ҳамма жотди, тонг отди, ҳамма кўпкари жойга чопди.

Кўпкари майдоннинг икки бошига икки супа қурилиб, кўсам така сўйилиб, сийрақлари кесилиб, ўртага ташланди. Икки чабоғон икки тулпорда улоқни икки томонга торта бошлади.

Икки чобағонда икки тулпор от,
Чабоғон зарбидан чиқарган қанот.
Бир-бирига қарсиллаб урар узанги,
Узанги зарбидан чақнаб кетар ўт.

Қамчи қулоғидан тишлаб иккиси,
Улови жулиб об учиб кетгиси.
Тақимига босиб чунонам тортди,
Улоқ қошогаси айрилиб кетди.

Ҳай-ҳайлаб баковул шу он тўхтатди.
Ҳўкиз сўйиб улоққа, ўртага тортди.
Тақимига босиб яна икковлон
Тулпорини қичаб қамчини чотди.

Қамчи зарби ўтиб икки тулпорга,
Пишқириб ботганда қопқора терга,
Ҳайт деб Қоражон ниқтаган замон,
Узилиб кетди-ку, тўшайил-пуштон.

Қашантиб, совутиб белини тортди,
Чинаки қайтадан ҳайдади отни.
Куч тенг келгандан сўнг, чобағонларнинг
От туёғи ерга, бир газча ботди.

Қаради баковул кучлар тенг келди,
Чопағону отлар жуда ҳам толди.
Зўрни аниқлаймиз сўнгги шартда деб
Баковул бақириб дуони тортди.

Шунда, ҳамма йиғилганлар Қизларсора кучига қойил бўлишди. Фалла ўроққача саноқли кунлар қолганини айтиб ўроқ бўлагидан жойни белгилаб йиғилганларга ва собағонларга оқсоқол баковул дуо берди...

Айни саратон чилласида ўроқ бўладиган буғдойзордан бир хил майдон ўлчадилар. Улар Ўроқ, қўшиғи – Ёзини айтиб ўроқ ўриб бошладилар.

Қизларсора:

Ёзи тўрам нечададир ёшингиз,
Не сабабдан шўрхок бўлди бошингиз?
Кал касали кўп юқумли бўлади,
Каллангизни нари бориб қашингиз.

Қоражон:

Шўрхок бошга кўп ҳам қарайбермангиз,
Ўроқ уринг бошга парво қилмангиз.
Бошга қараб қолиб кетиб орқада
Хушбўй ҳиддан бенасиб бўп қолмангиз.

Қизларсора:

Ёзи айтсам кўнглим товдек тошади,
Катта товлардан ҳам йўлим ошади.
Ипмиди-ипакмиди кийганингиз,
Бизлардан нозикмиди суйганингиз.

Қоражон:

Чош тўбанинг нарёғида уйларингиз,
Оқаришиб кўринади чийларингиз.
Ўроқ ўриб ютиб чиқса кал Ёзибек,
Насиб қилар бизга Сизнинг болларингиз.

Қизларсора:

Тоққа чиқсам тоғ шамоли елади,
Чаққон ўрсам Ёзи ортда қолади.
Етолмайин қолиб кетса орқада,
Бол ўрнида тузни сўриб юради.

Қоражон:

Йилқи ичида минганим Чамбил-чори,
Саратонда эрийди тоғнинг қори.
Нозик белни маҳкам бойлаб ўрингиз,
Ютқазсангиз бўласиз кал Ёзи ёри.

Қизларсора:

Бойсун тоғнинг бордир морхўр такаси,
Мен эрурман Бойсун-Қўнғирот эркаси.
Ким ютқазар буни Тангри кўрсатар,
Қисилмасин дейман Ёзи елкаси.

Қоражон:

Бу гаровда албатта мен ютаман,
Сўнгра Сизни қўлингизни тутаман.
Тўйлар қилиб Бойсун-Қўнғирот элида
Бол лабидан сўнгра болин тотаман.

Қизларсора:

Қараб қўйинг тоққа, қуёш ёнбошлар,
Ёзи акам ҳамон бошини қашлар.
Аманқара бўлиб шўрхок бош билан
Бол лабнимас ёрилган лабни тишлар.

Шу зайлда Қизларсора билан Қоражон қушиқ айтиб ўроқ тортди, қуёш уфққа ботти, шу вақт ўроқчилар баб-баравар охирги гавзани ўриб йиқитди. Чигоначилар пешма-пеш бовларни ташиб хирмонжойга элтти. Галоговчилар эса ҳўкизлар билан чапарни судраб «майда-майда» дея қўшиқни галма-гал бошлаб юбордилар.

Биринчи хирмондагилар:

Шохларинг бор шотидай майдаё-майда,
Ўзинг хоннинг отидай майдаё-майда,
Танглайингнинг чебари майдаё-майда,
Муллаларнинг хатидай майдаё-майда.

Иккинчи хирмондагилар:

Айри туёқ олмасин майдаё-майда,
Босганинг хом қолмасин майдаё-майда,
Қўшни хирмон эгалари майдаё-майда,
Биздан олдин бўлмасин майдаё-майда.

Биринчи хирмондагилар:

Думларинг бор қамчидай майдаё-майда,
Учи қизнинг сочидай майдаё-майда,
Чумагингдан томган сув майдаё-майда,
Тоғдан томган томчидай майдаё-майда.

Иккинчи хирмондагилар:

Қибладаги қирқ юлдуз майдаё-майда,
Қиялаб кетти ботгали майдаё-майда,
Бобо деҳқон бобомиз майдаё-майда,
Беҳишт кетди жотгали майдаё-майда.

Биринчи хирмондагилар:

Ўйнаб энгин эшикдан майдаё-майда,
Тўрт оёгинг кумушдан майдаё-майда,
Чапар судраб чиққансан майдаё-майда,
Одамзотга беҳишдан майдаё-майда.

Иккинчи хирмондагилар:

Бу меҳнатинг зиёда майдаё-майда,
Билмаган ўтсин пиёда майдаё-майда,
Билганларнинг давлати майдаё-майда,
Бўлсин доим зиёда майдаё-майда.

Биринчи хирмондагилар:

Майдалар сенинг оловинг майдаё-майда,
Остонада жаловинг майдаё-майда,
Айниям тўқсон кирганда майдаё-майда,
Оқ самондир паловинг майдаё-майда.

Иккинчи хирмондагилар:

Хўб-хўб дейман, хўб дейман майдаё-майда,
Хўпга майлинг йўқ дейман майдаё-майда,
Яхши майда қилмасанг майдаё-майда,
Қассобдан жой топ дейман майдаё-майда.

Алқисса, галоговчилар «майда»ни кўп айтдилар, кўп айт-са ҳам хўб айтдилар, тонг бўзариб отганда, барча жонивор сергак тортганда хирмонни ағдардилар, хом қолмаганини билдилар, чапардан хўкизларни бўшатдилар, гавронларини бир чаккага қўйдилар, хирмонни қирра қилиб уйдилар.

Шунда толдан бўлган шохаларини олиб Қизларсора ва Қоражон: «Мирҳайдар сахийлигинг қилақол, шамолингдан бера қол», деб қўрни уюб, шамолни чақириб, қўшиқ айта бошладилар:

Бутун шамол соҳиби Мирҳайдар,
Аямаган меҳрини Мирҳайдар,
Тўхтатмагин шамолинг Мирҳайдар,
Дондан кетсин самонинг Мирҳайдар.

Аямагин шамолни Мирҳайдар,
Ажратайин мен донни Мирҳайдар.
Бўлак тушсин сараги Мирҳайдар,
Бордир унинг кераги Мирҳайдар.

Текис эсса шамолинг Мирҳайдар,
Самонга кетмас донинг Мирҳайдар,
Ширин бўлар ширмой нон Мирҳайдар,
Тоза бўлса агар дон Мирҳайдар.

Ёрнинг ишқи юракда Мирҳайдар,
Кучим тўла билакда Мирҳайдар,
Дон ташлайман куракда Мирҳайдар,
Шамолингни аяма Мирҳайдар.

Чоч қилайда мен донни Мирҳайдар,
Сўнг супурай хирмонни Мирҳайдар,
Қурт қумурсқа ризқига Мирҳайдар,
Сочай бир ҳовуч донни Мирҳайдар.

Шундай қилиб қуёш катта чошгоҳга кўтарилганда дон чоч бўлди, хирмон супурилиб тоззаланди. Икки хирмончи тубага югуришиб чиқди. Қараса хирмонда дон чоч бўлган, кучлар тенг келган.

Ҳар учала шартда Қоражон ва Қизларсора тенг келди, бундан ҳар иккисининг кўнгли бир-биридан тўлди, томошабин халқ тўй бўлади, деб хурсанд бўлди. Хушxabар шу заҳоти саройга, Алпомиш султонга етди. Совчилар дарҳол Боймуродбойникига тўй айдаб йўл олди. Шунда Қўнғиротнинг шўтоноқ йигитлари қиз тўйининг ота-бободан қолган удумини қилди.

Шўтоноқ йигитларнинг бошлиғи тўй ҳайдаб келаётган совчиларга қараб, йўлга кўндаланг қилиб, баққонни ташлаб, "шов улоқни бериб кетинг", — деб турган жойи:

Икки ёшга даркор бўлган совчилар,
Никоҳ тўйга саркор бўлган совчилар,
Совчи эрур ҳақиқатнинг элчиси,
Сиз туфайли ёшлар бахтли совчилар,
"Шов улоқ"ни бериб кетинг совчилар.

Шишак, тусоқ сўрамасмиз совчилар,
Ҳатто байдоқ бер демасмиз совчилар,
Берсангиз бас бир бошгина жалпиллоқ,
Бизнинг кўнгил шундан бўлар эди чоқ,
"Шов улоқ"ни бериб кетинг совчилар.

Алп Қоражон Султонимиз дўстидур,
"Шов улоғ"и ўзбек эски расмидир,
"Шов улоқ"ни олсак гала буйинса,
Тилагимиз: Икки ёш ҳам бахтлидур,
"Шов улоқ"ни бериб кетинг совчилар.

"Шов улоғ"и бир жалпиллоқ бўлади,
Уни олган суйиб дуо қилади,
Баққон ташлаб "Шов улоқ"ни сўраймиз,
Ҳаққалламоқ катта гуноҳ бўлади,
"Шов улоқ"ни бериб кетинг совчилар.

"Шов улоқ"ни олмоқ — бермоқ удумдур,
Ополмасак бизга уят ўлимдур,
Қиз танлаган совчиларга қойилдур,
Қизгинамиз сулувлардан сулувдир,
"Шов улоқ"ни бериб кетинг совчилар.

Келинимиз оти Қизларсорадур,
Алп Қоражон насиб бахтли бўладур,
Туғиб бергай қўчқордайин ўғлонни,
Қалмоқ элга бир кун султон бўладур,
«Шов улоқ»ни бериб кетинг совчилар.

Қўлимизга ушлатсангиз жалпиллоқ,
Олинар шу заҳот йўлдаги таёқ,
Бошқа Сизга йўлда ит ҳам ҳурмайди,
Шотаймаслар ҳам безовта қилмайди,

«Шов улоқ»ни ташлаб кетинг совчилар.
«Шов улоқ»ни бермай ўтиб кетмайсиз,
Биз ёшларни ноумид ҳам этмайсиз,
«Шов улоқ»и Қўнғиротнинг удуми,
Менсимасдан уни бузиб ўтмайсиз,
«Шов улоқ»ни бериб келинг совчилар.

Шунда совчилар тўйга ҳайдалган сурув ичидан бир жалпиллоқни ушлаб, йўлига боқон ташламаган шотаймас жигитларга ушлатди. Жигитлар боқонни йўлида олиб совчиларни Боймуродбой ўтовига кузатди.

...Шундай сўнг Бойсун-Қўнғиротда тўйлар бошланди, Қўнғирот-Қалмоқнинг ўйинлари бўлди, ҳамманинг кўнгли тўлди, кулган ҳам кулди, кулмаган ҳам кулди, бахшилар жўшиб айтди, билмагани қўшиб айтди, якуний айтишув Бойсун-Қўнғиротнинг оқсоқол бахшиси Бойсинқур бахшига етди. Бойсинқур бахшининг жўшиб турган жойи:

Қўнғирот-Қалмоқ қуда бўлди,
Қўшни халқлар бир бўлди,
Ҳалик қўрқув йўқолди,
Борди-келди зўр бўлди.

Замон-замона бўлди,
Омон-омона бўлди,
Юртим эгали бўлиб,
Кўнгил қувончга тўлди.

Устамон Алпомишнинг,
Ўйлагани зўр бўлди,
Қўшнинг тинч, сен тинч мақол,
Юртда тантана қилди.

Замон-замона бўлди,
Йўл тўсарлар йўқолди.
Эгали юрт халқининг,
Тўли эгизли бўлди.

Икки халқнинг отаси,
Алп Алпомиш бор бўлсин,
Кимки хиёнат қилса,
Халқнинг қарғиши урсин.

Замон-замона бўлди,
Ажиб замона бўлди,
Юртим эгали бўлди,
Ултонтозлар йўқолди.

Энди Бойсин тоғида,
Ҳилол каклик сайрайди,
Булоқлари кўз очиб,
Кийиклари ўйнайди.

Замон-замона бўлди,
Завқли замона бўлди,
Юртим эгали бўлди,
Олам юртни тан олди.

Дунё тургунча турсин,
Юрт эгаси Алпомиш,
Худо суйган халқларига,
Ато қилсин Алпомиш.

Замон-замона бўлди,
Кутган замона бўлди,
Юртим эгали бўлди,
Фурур-ори тикланди.

Ҳавас қилган жаннатни,
Келиб кўрсин бу юртни,
Бахши айтди ярмини,
Келиб кўринг борини.

Шуйтиб келин-куёв ўтовга кириб кетди, ҳамма шод-хур-
рам тарқаб уй-уйига етди, Қўнғирот-Қалмоқнинг борди-кел-
диси бошланиб кетди, кун ортидан кунлар ўтди.

Тўққиз ой, тўққиз кун деганида Қоражон ва Қизларсорага Аллоҳим бир ўғил фарзанд ато этди. Хушxabарни эшитган Алпомиш унга суюнчи қилиб, Қалмоқ давлатининг султонлигини ҳадая этди. Оқсоқол ақобирлар билан Алпомиш кенгашиб отини Эрназар қўйди...

Эрназарнинг бешик тўйи бўлиб, кўпқари, кураш бўлди. Кураш охирида Бойсинқур бахши бешик ёнига келиб, бир сўз суйлаб турган жойи:

Эр жигит бўлиб от чопсин ҳуййо-ҳуй,
Шер жигит бўп мол топсин ҳуййо-ҳуй,
Тенгқурлари ичида ҳуййо-ҳуй,
Камол топсин бахт топсин ҳуййо-ҳуй.

Бобосининг эркаси ҳуййо-ҳуй,
Отасининг тўнғичи ҳуййо-ҳуй,
Эл-юртга фидойи ҳуййо-ҳуй,
Бўлиб ўссин худойим ҳуййо-ҳуй.

Алпомишнинг авлоди ҳуййо-ҳуй,
Қўнғиротнинг дилбанди ҳуййо-ҳуй,
Бойчиборнинг тулпори ҳуййо-ҳуй,
Кўтарар халқнинг орин ҳуййо-ҳуй.

Пойгаларда узсинда ҳуййо-ҳуй,
Човқирларда чўзсинлар ҳуййо-ҳуй,
Арқон тортса узсинда ҳуййо-ҳуй,
Буюк юртнинг фарзанди ҳуййо-ҳуй.

Улоқ чопса ҳалол қилсин ҳуййо-ҳуй,
Камон отса қойил қилсин ҳуййо-ҳуй,
Дўмбираси булбул бўлсин ҳуййо-ҳуй,
Бойсун юртнинг фахри бўлсин ҳуййо-ҳуй.

Қўтон тўла қўйи бўлсин ҳуййо-ҳуй,
Элу-юрти бойи бўлсин ҳуййо-ҳуй,
Ола боққан бу юртга ҳуййо-ҳуй,
Кўзи оқиб кўр бўлсин ҳуййо-ҳуй.

Бешик тўйдан сўнг Кўнғирот-Қалмоқ халқлари тинчиб-бойиб кетди, бийларнинг қўйи минг-мингдан ўтди, саркасининг шохи осмонга бўйлаб, туялари бўталоқлаб, тойчоқлари тулпор бўлиб, халқи даву-даврон суриб яшайверди. Эрназарбек ҳам бир йилда иккига киргандек бўлиб бўйлари ўсавериб, етти ёшга тўлди. Жасади йигирма ёшли йигитдай бўлди.

Шундай кунларнинг бирида Ултонтоз ўзига ўхшаган қаланғи-қасанғини олиб, яширин Бойсун-Қўқғиротга кириб, сарой қўшиқига киролмай, лаҳм қазийётганда қўлга тушди. Лаҳмдан чиққач шериклари Ултонтозни лаҳм ичида тупроқ босиб қолиб ҳалок бўлганини айтди.

Алломиш султон бировга чоҳ қазиб ўзи тушган ва ҳаром ўлган Ултонтоз мурдасини дафн қилдирди. Шу билан Бойсун-Қўнғиротда Ултонтознинг номи ўчди, ҳамма султонга, саройга зиён етмаганлигини айтиб бир-бирини қучди. Шунда Бойсунқур бахши халойиққа қараб, дўмбурасини сошлаб «Асранг султонни» деб турган жойи:

Асраса Аллоҳим ҳеч бало йўқдир,
Пирлари руҳи сақлар кўнглимиз тўқдир,
Хоиннинг нияти ўзига ўқдир,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Ниятига етмас қора бўп юзи,
Халқ қарғиши уриб оқади кўзи,
Офатга учради Ултонтоз ўзи,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Отага қасд бўлди жаҳон қалқиди,
Адолат қўёши шу он балқиди,
Бойсун-Қўнғирот эли Алпни олқади,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Собит бораётир Бойсун карвони,
Манзилга етказар доно Сарбони,
Аллоҳ назар солган Бойсун ўғлони,
Юртнинг бахти учун асранг Султонни.

Бахши сўзидан сўнг халқ яна бир бор Алпомишни олқади, кейин уй-уйига тарқади. Бойсун-Қўнғирот устига келиши мумкин бўлган қора булут чинакамига тарқади.

Шунда Алпомиш кўнглидаги чермини бир чиқарай деб, навкарлардан олиб овга жўнади. Бойсун-Қўнғиротда дўсти Қоражонни қолдириб, невараси Эрназар ва Ёдгорбекни ҳам ёнига олди. Ёдгор мустақил овласа, Эрназарга овлаш сирларини ўргатишни мўлжаллади.

Овнинг учинчи кечаси Алп Қоражонга бир дард текди. Қултой чол қолган сарой аҳли билан шу кечаси табибларга югурди. Ҳар қанча югурмасин тонг саҳарда Алп Қоражоннинг жони узилди.

Алп Алпомиш султонни излаб чопарлар кетди, Қалмоқ султонни Кайқубот ва Алп Қоражон онаси Сурхайл кампирга ҳам хабар етди.

Қўнғирот удумларига кўра Қизларсора номаҳрам бўлди. Ҳамма ўзини чеккага олди. Майитга эга бўп фақат Қултой чол қолди. Майитни тезроқ дафн қилиш лозим эди. Қултой чол ҳамма удум маросимларга бош бўлиб, тўлиқ ўтказди. Маросимга Бойчиборни минган Алпомиш етиб келди ва мусофирлар қабристонига Алп Қоражонни дафн қилди. Кеч киргандан сўнг Ёдгор, Эрназар ва бошқа овга кетганлар ҳам етиб келди.

Бойсун-Қўнғиротда мотам кунлари Қалмоқ элида Сурхайил кампир етиб келиш-келмаслиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди.

Сурхайил кампир Қоражон алпни вафот этганини эшитгач, оналик туйғуси устун келиб, оқ қилганини кечириб, белини чилвир бидан боғлаб, марҳамларини сафига чоғлаб, Бойсун-Қўнғирот томон ўғилларининг қолган тулпорларини миниб жўнади.

Йўл юриб оналик меҳри ийиб, сўраб суриштириб Бойсун-Қўнғиротдаги қабристонларидан бирига келиб, қабристон мужавирини чақириб, ўғли Қоражон алпнинг қабрини сўраган жойи:

Ўлимлик ҳидини тез билар ғажир,
Мунда кел, гап сўрай сендан мужавир,
Ўзга юртга кеб, ўлган битта баҳодир,
Кўрсатгин сен унинг қабрини, қаер?

Онам деса десин болам демасин,
Гадо бўлсин юртда, юртсиз ўлмасин,
Қабристон соҳиби бўлсанг мужавир,
Мусофир Қоражоннинг қабри қаер?

Сочларини ёйиб, ёқасин йиртиб, дод деб йиғлаётган Сурхайил кампирга қабристон мужавирининг раҳми келиб, кекса кампирни шу аҳволга тушганига қаҳри келиб, бир сўз сўзлаб турган жойи:

Сизга Аллоҳ кўрган шу кун муносиб,
Аллоҳга шак келтирманг бўлади айиб.
Болам деб йиғламангиз сочингиз ёйиб,
Бизда бунга сабаб, қандайин айиб.

Ризқи битган эртами, ё кеч ўлади,
Ўз юртида ўлган тупроғида қолади.
Ўзга юртда келиб ўлса мусофир,
Мусофир қалбристондан қазилар қабр.

Алп Қоражон биламиз султоним дўсти,
Мусофирлигида узилди унинг ризқи,
Қўштўбададир мусофир қабристони,
Энди шунда бўлади унинг макони.

Мужавирдан бу сўзларни эшитиб, Сурхайил кампир мусофирлар қабристонини излаб, тубалардан ошди, йўллардан адашди, шериклари унга эргашди, охири сўраб-сўраб хароба бино олдидаги мусофирлар қабристонни топди. Мужавирнинг йўқлигини билиб, янги қўйилган қабрни топиб, уни қучоқлаб йиғлай бошлади:

Дўстим деб юртини сотган болам,
Оғасини курашда ютган болам,
Она сутин алмашиб дўстликка,
Мусофир бўлиб ўлиб кетган болам-а!
Нодон боламов, сарсон болам-аҳ!

Фонийда дунёга келар-кетарлар,
Нодонларгина ўз юртини сотарлар,
Ўзга юртда итдай ўлиб кетарлар,
Нодон болам, шўр болам, эссиз болам-а!
Ўзгалар юртда ўлган болам-аҳ!

Қалмоқ эли сенсиз тарқаб кетмаган,
Иқболи қалмоқнинг ҳали ботмаган,
Ўлса-ўлган юртин, улар сотмаган,
Адашиб юртидан ажраган болам-а!
Ғариби-ғўристон бўлган болам-аҳ!

Ўзга юртга кетдинг, дўстим деб болам,
Қайтармади сени, мен қилган нолам,
Мағрур бўлсанг-да, қолсанг юртингда,
Мағлублигинг менга қилмасдан алам,
Мағлубликни ор билиб ўлган болам-аҳ!

Онаман, қабрингни қучиб йиғлайман,
«Она болам демасин»- сўраб йиғлайман,
Ўзга юртда қолмас сенинг суягинг,
Худо менга қувват бер, деб йиғлайман,
Юртига қайтолмай ўлган болам-аҳ!

Шу пайт Сурхайил кампир қабрдан бошини кўтарди.
Юзидан оққан тер товонидан оқиб борарди. Бошини чан-
галлаб, сочини ёйиб яна дод деб йиғлай бошлади.

Ўзга юртда Алпман деб дорронглаунча,
Товонинг ёрилиб юртда юрсангчи,
Кимхобга ўралиб орбанглаунча,
Йиртиқ иштон кийиб юртда юрсангчи.

Ватанни алмашиб дўстлик сўзига,
Охири ғариби ғўристон бўлдинг,
Тик қарай олмайин халқнинг юзига,
Фонийдан, боқийга равон бўлдинг.

Ота-бобо удумин бу халқ бузмабди,
Аждодлари қабрга-қабринг қўшмабди,
Мусофир қабристонидан сенга бериб жой,
Расм-русумларинг қипди, балки қилмапти.

Дод соламан сўзим, олам эшитсин,
Улар сўзим англаб, қулоққа тутсин,
Дўзах бўлса ҳамки, ўзининг юрти,
Ўлса тупроқ бўлиб, сочилиб кетсин.

Шу вақт Сурхайил кампирни ҳамроҳлари қўлтиғидан олиб турғизишди, суяб озгина юргизишди. Шу пайтда Алпомиш султон ҳам хабар топиб мулозимлари билан етиб келишди. Қабр бошида ўтириб удумларини бажаришди. Алпомиш султон, Сурхайил кампирни ҳамроҳлари билан саройга олиб келишди. Ҳурмат-иззатини қилиб, набираси Эрназар билан танишгирди.

Саройда Алпомиш султон бир ёнига Ёдгорни бир ёнига Эрназарни олиб, Сурхайил кампир ва ҳамроҳларининг иззат-ҳурматини қилиб, кўрикларига алоҳида мироҳўр қўйиб, уч кун дам олдириб сарой мулозимлари ва бир неча от ажратиб ўтказгач, Эрназарни олиб Қалмоқ элида ҳам маросим ўтказишга ваъда берди. Кун ортидан кунлар кетди. Қоражон алпнинг ҳамма маросимлари ўтди. Алпомиш султоннинг ўз ниятини амалга ошириш учун белгиланган кунлар етди. Шунда ҳамма сарой мулозим ва оқсоқолларини йиғиб, бир сўз сўзлаб турган жойи:

Қудачилик минг йилчилик дейдилар,
Улфатчилик бир кунчилик дейдилар,
Қалмоқ элнинг хони ҳозир Кайқубот,
Ўз элининг хони бўлсин дейдилар.

От ўрнини той боссин-да доимо,
Ота ўрнин фарзанд боссин доимо,
Дуога беринг Қоражоннинг ўрнини,
Эрназарбий боссин деймиз илоё.

Кийикларни сақланг тоғнинг қояси,
Инсонга дорийди толнинг сояси,
Эрназарбий Қалмоқ элнинг оғаси,
Хон қилиш Қалмоққа эл муддаоси.

Жўл таради бугун эрта қиламиз,
Оқсоқоллар тўда бўлиб борамиз,
Эрназарни хон деб Қалмоқ юртига,
Кўнгилларнинг чийирийни жоямиз.

Шундай деб Алпомиш султон қирқ жигит ва оқсоқол-акобирларини олиб Эрназарга бий унвонини бериб, Қалмоқ юртига жўнаб, Чилбир чўлини кесиб, дарёлардан кечиб, Кайқубод Хон бўлиб турган Қалмоқ юртига етди.

Чопарлардан хабар топган Кайқубодхон мулозимлари билан Алпомиш Султонни кутиб олди. Бир ҳафта Алпомиш ҳурматига тўй бўлиб, халқ хурсандчилик қилди. Алпомиш Эрназарбийни Қалмоқ юртига Хон деб эълон қилди. Эски гина-қудратлар унутилиб, тўй бўлди. Сурхайил кампир, яхшимдан қолган болам, деб саройга набираси Эрназар Хон олдига совға-саломлари билан келди. Ҳамма шод бўлди, сайил томошалар бошланиб кетди.

Шунда Бойсунқур бахши Эрназарбий хонга қараб, муборак бўлсин давлат-арконинг деб турган жойи:

Бойсун Қўнғиротда камолга етдинг,
Бугун Қалмоқ юрти тахтидадурсан,
Алпомиш қалбида чиндан жой топдинг,
Қўнғирот-Қалмоқни шод этадурсан.

Бойсун тоғи доривор гиёҳ макони,
Оғам деган элнинг бўлдинг султони,
Ўзни кўрсатишнинг бўлди имкони,
Эрназарбий муборак давлат-арконинг.

Қўнғирот жияни бунда хон бўлди,
Ошна бўлиб яшашга зўр имкон бўлди,
Эл хотиржам, тўкин дастурхон бўлди,
Эрназарбий чопсин энди омадинг.

Борди-келди бўлар энди бу элда,
Қароқчи таламас Чилбир чулда,
Қўнғирот ва Қалмоқ ишончли қўлда,
Эрназарбий оқланг элнинг ишончин.

Шундай қилиб тўйлар бошланди. Эл шод, кўнгил шод. Тўйлар қирқ кечаю, қирқ кундуз давом этди. Қалмоқ тахтини Эрназарга топшириб, Кайқубодни унга бош вазир, деб қўйиб, Алпомиш султоннинг кўнгли тўлиб, Қўнғирот-Қалмоқ халқини абадий бор-келди дўст қилганидан шод бўлиб, армоним қолмади, деб бир сўз деб турган жойи:

Элим Аллоҳимдан сўраган замон,
Дунёга келибман мен бўлиб ўғлон,
Бобом камонидан мен пайкон отгач,
Халқим юрагида қолмаган армон.

Дунёни сув бузган, гапдан эл тўзган,
Иғводан ака-ука орани узган,
Шу сабаб суйганим кетган Қалмоққа,
Уни хон қиб қайтим, Бойсун Чорбоққа.

Ёмонлик қилсада менга нокаслар,
Қаланғи-қасанғи бевафо каслар,
Қонни тўкмадим чиқардим ҳайдаб,
Армоним қолмади, юртни тозалаб.

Қудалик минг йиллик Бойсун-Қалмоққа,
Дўстлик абад бўлсин, иккита халққа,
Икки юрт бир бўп бут бўлди халқим,
Боқийга сафар қилсам, қолмас армоним.

Бойсун-Қўнғиротда кунлар бир-бирин қувлаб ўтарди, халқ тинч, хотиржам-шод ҳар тонгни кутарди. Бийлар молин минг-мингга етказиб, яйловларда дарранглашиб ётарди.

Шундай кунларнинг бирида яратган Эгам Ёдгорбекга давоси оғир дард берди, бутун халқ оғаси Алпомишга оғир шарт берди.

Алпомиш султон ҳамма тарафга ҳақимлар излаб чопарлар юборди. Чопарларнинг топиб келгани шу бўлди:

Аллоҳ синомоқчун бирорта мардни,
Унга юбораркан бир синов дардни,
Ёдгори валиаҳд Бойсун тахтига,
Бир оғир дард берди, унинг бахтига.

Табиб излаб кетди, ҳамма тарафга,
Боғи Эрам, Чамбил ҳатто Халафга,
Ҳар тарафдан бўлди бир хилда жавоб,
Ҳады бўлсин унга энг азиз-ноёб.

Шунда Қултой чол лол қолиб, чор тарафдан келган чопарларнинг бир хилдаги хабарини йиғиб, саройнинг обрўйли оқсоқол мулозимларини ёнига олиб, Алпомиш султон ҳузурига кириб, чопарлар Бойсун тахти учун азиз, энг ноёб нарсасини ҳады қилсин, деган гапни айтаётганини сўзлаб турган жойи:

Карвондан орқада қолса бўтаси,
Юкини норига ортади сарбон,
Сурувнинг зовлаши сарка хатоси,
Таёққа тутади саркани чўпон.

Табиб излаб келган чопарлар,
Энтикиб, бўзариб бир хилда сўзлар,
Тахт учун «Энг азиз-энг ноёб» нарса,
Ёдгоржоним сақлар бошидан айланса.

Ҳамма ўйга толган: энг азиз нима,
Ноёб ўзи асли, нима Бойсунда?
Тополмади буни бирор донишманд,
Топса ҳам айтолмас буни бирор мард.

Сарой аҳлин йиғиб бугун Қултой чол,
Келдик ҳузуринга ҳаммамиз беҳол,
Нимадан сўзлашни ҳеч ким билмайди,
Азиз не, ноёб не ҳеч тополмайди.

Шунда Алпомиш тахтидан тушиб, ҳаммага кулиб қараб сўнгра жиддий ҳолатда ҳаракатида давом этди.

Гап нелигин англаб шунда Алпомиш,
Ҳаммага рухсат, деб берди фармойиш,
Бойчиборни келтир деб ишора қилди,
Бобосин камонин елкага илди.

Ҳамма ҳайрон эди Алпомиш ишига,
Жанггоҳга киргудай кийинишига,
Аҳволини билганди, доно Қултой чол,
Тили айланмасди, ақли бўлиб лол.

Шундан сўнг, Алпомиш султон сарой аҳлига кулимсираб, бир назар солдида назаркарда Бойчиборнинг ёлини силаб, оёғини узатганича қўйиб сакраб миндида, Ёдгор ётган ўтовга қараб Бойчибор жilовини буриб, атрофдагиларга эшитар-эшитилмас қилиб айта бошлади:

Ўн саккиз минг оламини яратган эгам,
Жамийки тириклик сенгадир қарам,
Измингда тоғу-тош, уммону саҳро,
Бандангмано, сенга қилдим илтижо.

Мен учун азизи жоним шу фарзанд,
Фарзандим қўйгину жонимни олгин,
Ҳар нарсага қодирсан ўзингсан Эгам,
Менга яна бир бор сахийлик қилгин.

Нуринг тўксанг Бойсун бўстон бўлажак,
Фарзандлари қилган иш дoston бўлажак,
Иш бошига ҳалол мард йигит керак,
Ёдгорга соғлик бер, жонимни олгин.

Бойсуннинг ноёби Бойчибор дедим,
Уни ҳам шу ерга етаклаб келдим,
Эл-юрт учун азиз, Ёдгор бошига,
Назарканда Бойчибор садақа дедим.

Фонийда не иш бор, соҳибсан Эгам,
Илтижо қилурман қабул эт Эгам,
Жонимни, отимни ҳадыга бердим,
Эл-юрд шод бўлсин, рози бул Эгам.

Неча кундир туман, Қалмоқ-Бойсунда,
Раҳим қил туманлар тарқалиб кетсин,
Қалмоқ-Қўнғиротнинг борди-келдиси,
Кундан-кундан кўпайиб, тўйлар бўп ётсин.

Сўзладим чин дилдан Эгам, боримни,
Сақлагин ғурурим, борим-оримни,
Яратган ҳам ўзинг, олгич ҳам ўзинг,
Қабул эт илтижом, олгин жонимни.

Шу сўзларни айтиб Алпомиш Бойчиборни миниб уч марта, уни етаклаб уч марта Ёдгор ётган ўтовни айлади-да, саройга кириб кетди. Бу ишдан йиғилган барча сарой аҳли лол қолди, сўнгра Қултой чол ҳаммани тарқатди. Шу кеча Ёдгор тўшакда ётган ўтовда Қултой чол ва сарой маҳрамлари ётди. Ёдгор терга ботди, тинч ётди, тонг қизариб отди.

Алпомиш Бойчиборни етаклаб, Ёдгор ётган ўтовни уч марта айланиб, мулозимларни қолдириб, ёлғиз қўрғон томон жўнаб кетганига ҳамма ҳайрон қолди.

Шунда Алпомиш Бойчиборни сайисга ушлатиб, уни овга жўнайдигандай қилиб жиҳозлашни тайинлаб, ўзи Қўрғонга қараб кетди.

Тонг соров берганда Алпомиш ўрнидан туриб, мўйловини силаб, соқолини тараб, Қултойчол берган туя жундан тўқилган чакмонини кийиб, Алпинбий бобосидан қолган ёйни елкасига илиб, Бойчибор ов жиҳозлари билан сошлаб қўйилганини кўриб, сакраб отига миниб, сайисга мен қайтаман деб кулиб, Асқартов томон Бойчибор бошини буриб жўнаб кетди.

Алпомиш Асқартов чўққисига қуёш нури текканда, тоғдан жамбули-райҳонлар қуёш нурига интилиб, кулиб боққанда, боғдаги сава-булбуллар чағ-чағ этганда, кийиклар қўтонидан уриб кетганда етиб келди.

Шунда Алпомиш алп номини олганда, бобоси Добонбий камонидан отилган пайкон чўққисини жулиб кетган Асқартов чўққиси рўпарасига келиб бир нара тортди.

Асқартов қарс этти, кемтик чўққи тагидан дарз кетди, дара пайдо бўлиб тоғнинг гиёҳлари поёндоз бўлиб, Алпомишга йўл очилди.

Шунда Алпомиш узангига оёғини тираб, чор атрофга қараб дона-дона сўзлаб турган жойи:

Пайконимга нишон бўлган,
Алп номига имкон бўлган,
Сир-асрорга макон бўлган,
Бағрингга ол мени, Асқартов.

Бемор боламини кўриб,
Юрак бағрим эзилди,
Ёрилақол Асқартов,
Ердан ризқим узилди.

Ёрил дейман Асқартов,
Мен бағрингга кирайин,
Керак бўлган паллада,
Халққа суянч бўлайин.

Вақти келиб мен ҳали,
Халқ ичига қайтаман,
Мен бағрингда бўлсам-да,
Қалқон тов бўп жотаман.

Кўз олайтса ғанимлар,
Фов бўларман йўлига,
Пайдо бўлса йўлтўсар,
Кишан солай қўлига.

Мангу яшаб қоларман,
Мен халқимнинг қалбида,
Достон бўлиб жураман,
Бахшиларнинг тилида.

Шундан сўнг, Алпомиш Асқартовда пайдо бўлган форга кириб кетди, қарсиллаб фор оғзи ёпилди. Дарадаги ёпилган фор оғзида пайдо бўлган булоқдан шарқираб зилол сув оқа бошлади.

Алпомишнинг фарзандига қилган садоқатини ўйлаб кечаси билан мижжа қоқмаган, ўз-ўзидан ҳадиксираган Бойсунқур бахши каллаи саҳардан Ёдгор ётган ўтов томон чопди, Ёдгорнинг соғайганини Қултой чолдан эшитди. Шод бўлиб, яратган Тангрига шукурлар айтди.

Шундан сўнг сарой томон юрди, эшик оғадан Бойсун султоннинг чиқишини эшитди, отхона томон чопди, мирохўр бир гапни айтди. Тонг бўзарганда Алпомиш саройдан кетиб, Бойчиборни миниб, узун бўйли оқ желакли, оқ саллали, эчки соқол чолни жиловдор қилиб, Бойсунтов томон кетганини айтди. Бойсунқур бахшининг юраги шув этди. Алпомиш султон Бойчибори билан Ёдгор бошига ўзини садақа қилиб, садоқат тимсоли бўлиб, абадий боқий дунёга сафар қилганини англаб етди. Шум хабар бир зумда сарой аҳлига, Бойсун элига тарқаб кетди. Йиғилган оғзи очилиб, анграйиб қолди, кўплар хушидан кетди...

Бойсунқур бахши йиғилганларга қараб:

– Ривоят қиладиларки ҳар минг йилда шундай алп дунёга келадик унинг учта хислати бўлади. Биринчиси қилич ўтмаслик, иккинчиси ўтда ёнмаслик, учинчиси сувда чўкмаслик. Белгиси эса елкасида пирининг беш панжа изи бўлади. Уни ерда пирларининг руҳи жиловдор бўлиб, кузатиб юради. Шундай танамга ўйлаб қарасам шу алп Алпомиш экан. Пирларининг руҳи Бойчибор экан. Эшитганим ривоят эмас ҳақиқатлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундайларнинг жисми орамиздан кетса-да, руҳи доимо биз билан, деб Алпомишнинг сифатини қилиб, дўмбирасини ғамгин чалиб, бўғиқ овозда хўрсиниб-хўрсиниб алвидо-алвидо Алпомиш деб турган жойи:

Салобатли мағрур турган Бойсунтов,
Шамоллар олдида кўркинг меҳмондир,
Осмонга бўй чўзган ўрмонлар,
Довуллар олдида бўйинг меҳмондир.

Шамолдан тез учар учқур тулпорлар,
Замонлар олдида қанот меҳмондир,
Тожу-тахтлар насиб этган султонлар,
Югурук даврон тож-тахтинг меҳмондур.

Қирғоғини ювиб, тошган дарёлар,
Қақраган чўлларга томчинг меҳмондир,
Елкам ерга тегмас деган полвонлар,
Билсанг куч-қувват белга меҳмондир.

Хушбўй ҳид таратган гулу райҳонлар,
Бўронлар олдида бўйинг меҳмондир,
Комил инсоннинг тимсоли бўлган,
Алпомиш фонийга бугун меҳмондир.

Тулпорлар ичида чин тулпор бўлган,
Пирларнинг пирини назари илган,
Сўнги сафарда вафолик қилган,
Тулпор Бойчибор ҳам бугун меҳмондур.

Алпомиш султон учун эл айтиб-айтиб йиғлади, куйиб-
куйиб йиғлади. Бойсинқур бахши давом этди:

Ер учун, ор учун фидо Алпомиш,
Эл учун, юрт учун фидо Алпомиш,
Дўст учун садоқат тимсоли бўлган,
Садоқат йўлида фидо Алпомиш.

Фурури роҳатдан зиётлик қилган,
Халқнинг удумин қадрини билган.
Аразлашган халқни бир бўлсин деган,
Севгига садоқат қилган Алпомиш.

Пирлари кўрсатган тўғри йўлини,
Танҳо кесиб ўтган Чилвир чўлини,
Қалмоқ юртидан топиб севган гулини,
Севгига садоқат рамзи Алпомиш.

Хиёнатни асло эсга олмаган,
Шартни бажармоқни мардлик деб билган,
Ҳалол ниятлари ғолиблик қилган,
Мардлик, тантилик пири Алпомиш.

Етти йил ётган чоҳнинг тубида,
Товкаойим салланса келиб ёнига,
Қиё ҳам боқмаган қалмоқ гулига,
Эр йигитнинг ишини қилган Алпомиш.

Онанинг сўзини муқаддас билган,
Дорнинг сиртмоғидан қул бошин олган,
Қуллик тамғасини у бекор қилган,
Меҳр-муруватнинг шоҳи Алпомиш.

Қайтадан эгаллаб Бойсун тахтини,
Кўрсатди Қўнғирот қалмоқ бахтини,
Борди-келди бошлаб Бойсун Қўнғиротда,
Дўстлик қўшиғини айтган Алпомиш.

Орадан кўтариб гина-қудратни,
Обод бўлсин деди бу икки юртни,
Қуда қилиб Қалмоқ ва Қўнғиротни,
Қолдирди Алпомиш энг яхши отни.

Қўнғирот ва Қалмоқ энди бир бўлди,
Халқларнинг диллари қувончга тўлди,
Фаним лол, дўстлари шод, орзу ушалди,
Алпомишнинг иши дoston бўб қолди.

Эл юртга ўзини фидо айлаган,
Фарзандга жонини садоқа қилган,
Фонийда садоқат рамзи бўб қолган,
Садоқат рамзисан ўзинг Алпомиш,
Алвидо-алвидо энди Алпомиш.

Ёдга муҳаббатинг дoston қилурмиз,
Эл юртга хизматинг эслаб юрурмиз,
Меҳр мурувватинг синггандир қонга,
Дўстга садоқатинг абадий дилда,
Алвидо-алвидо энди Алпомиш.

Ватанга сарф қилдинг қучу-қувватинг,
Фарзандингга фидо қиб жонинг ва отинг,
Келажак унутмас номинг, авлодинг,
Абадий тириксан ўлмас Алпомиш,
Алвидо-алвидо энди Алпомиш.

Муҳаббат-садоқат рамзи Алпомиш,
Элимга абадий дoston Алпомиш,
Ўлмайсан, тириксан, доим бордирсан,
Савобли ишларга мадаккордирсан,
Алвидо-алвидо энди Алпомиш.

Шунда бу гапдан сўнг, Бойсун-Қўнғирот оҳ тортди, ғамга ботди, тўйиб-тўйиб йиғлаб, журагини бўшатди, кўздан оққан ёш дарё бўп оқди. Халқнинг оҳи Яратганга етди, Алпомиш Кўшки Ёдгорга насиб этди. Шундан сўнг Бойсун-Қўнғирот дунёга тенгсиз жаннат маконга айланиши давом этди. Шунда Бойсинқур бахши халойиқни Яратганга шукроналар қилишга чорлаб, куйлаб турган жойи:

Яратгич ҳам Ўзи, бергич ҳам Ўзи,
Кузатар самодан, янглишмай кўзи,
Шу бўлар Сизларга Бойсинқур сўзи,
Ёдгорни қайтарди шукурлар қилинг.

Пирлар қўлласинлар Ёдгоримизни,
Қайтарсин-да Ўзи баҳоримизни,
Суви тарк этмас анҳоримизни,
Алл Ёдгор соғ бўлсин, дуолар қилинг.

Қайтадан тиклайди Бойсун орини,
Оширар дунёнинг унга меҳрини,
Билайлик Ёдгордек алпнинг қадрини,
Алпомишдан каммас, шукурлар қилинг.

Қўнғирот эришди буюк бир бахтга,
Алп Ёдгор ўтирди, муққаддас тахтга,
Ҳамма ҳавас қилар энди бу журтга,
Яратган Холиққа шукурлар қилинг.

Бу юртда бўлмайди ҳеч тало-тўшлар,
Балки англамайди бу гапни кўшлар,
Бойсунда вояга етди алплар,
Аҳил-иноқ бўлиб, шукурлар қилинг.

Яхшилар етади мурод-мақсадга,
Нопок, қинғир, фирром учрар кулфатга,
Айланади энди Бойсун жаннатга,
Алп Ёдгорни сийлаб, шукурлар қилинг.

Алплар юрти Бойсун дея ғарқоб бўлмангиз,
Атрофимиз тинч деб анг ҳам қолмангиз,
Калла-калла бўлиб асло юрмангиз,
Бирлашиб, султон деб, шукурлар қилинг.

Биршалган ўзади - халқнинг мақоли,
Бирлашмаган тўзади - халқнинг мақоли,
Юртни одоб қилар мард оқсоқоли,
Доно султон бор деб, шукурлар қилинг.

Бизга ҳамма дўст деб, хомтама бўлманг,
Орангизда ким бор билмасдан қолманг,
Ўз юртингизни доим асранг,
Хотиржамлик учун, шукурлар қилинг.

Садоқат Ёдгорга отадан мерос,
Ундан чумоли ҳам ҳеч озор топмас,
Қаҳрланса ғаним омонлик топмас,
Алп Ёдгорни қўллаб, шукурлар қилинг.

Бойсунқур бахши дер, мени Бойсунда,
Алп Ёдгор омади Эгам берсинда,
Дунё тургунча Бойсун турсинда,
Унинг эли доим омон бўлсинда.

БОЙСУНҚУР БАХШИНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Алпомиш султон Бойсун-Қўнғиротдан Ултонтозни ҳайдаб, элнинг бошини силаб, юртга адолат ўрнатиб, даврон суриб, юрган пайтлари, аҳли сарой учун бир яхши удумни одат қилиб олган эди.

Юртнинг энг доно кишиларидан бирини саройга чақириб, эл сўрар, беклар, ишбоши амалдорларни тўплаб, зиёфат берар, зиёфат пайтида ҳақиқатгўй донишманддан эл-юртнинг аҳволини сўрар, панд-насиҳатлар эшитар, бекларига «Дононинг гапини эшитинглар, ҳикматни мағзини чақинглар, донишмандлар айтгандай қилиб адолат билан эл сўранглар», деб фармон қилар эди. Йил ўтиб, кун ўтиб навбат Бойсун-Қўнғиротнинг суюкли бахшиси Бойсунқур бахшига етди.

Алпомишнинг саройида така-қўчқорлар сўйилди, даврага қимиз-қимрон қуйилди. Алпомиш тахтда, беклар даврада ўтирдилар, мулозимлар ширпиллаб хизмат қилдилар.

Бойсунқур бахши рўпарада мардош қуриб ўтириб, муртини бураб, қимиз-қимронни ёнғоқ гур косада кўтариб, дўмбирасини қўлтиғига қисиб, айтувга шай бўлиб турди.

Алпомиш:

— Ҳой эл бахшиси! Юртимизга адолат қандай бўлаётир? Билганларингизни айтинг, эшитайлик, - деди.

Бойсунқур думбурасини сайратиб жавоб бериб тургани.

Қонун ҳимояда

Кўринган балодан кўринмас ёмон,
Ташқи балодан иккинчиси ёмон,
Юртим хотиржамдир мусаффо осмон,
Қонун ҳимояда, ишончли қалқон.

Нодонга амал тегиб олчанглаб кетса,
Эли иззатидан толтанглаб кетса,
«Адолат» мезонин лаҳза унутса,
Қонун ҳимояда, ишончли қалқон.

Оқсоқол бўлса-ю элин унутса,
Мансаб теккан кундан «зуккоман» деса,
«Қуллуқ» қилгувчини ёнига тортса,
Қонун ҳимояда, ишончли қалқон.

Ёвуз пайдо бўлса пихини ёрган,
Шайтоний йўлларда «яктоман» деган,
Адолат пешалар қилни қирқ ёрган,
Қонун ҳимояда, ишончли қалқон.

Қонуни ҳурматда, бу юрт фаровон,
Кексаси роҳатда, йўллари равон,
Ҳалоллик-покликдан йўллари равон,
Қонун ҳимояда, ишончли қалқон.

Шунча бахшига мулозимлар мақтовлар айтдилар. Беклардан бири бахшидан;

Ўзининг ёвуз мақсадли йўлида ўзини ҳаром ўлдириб, юртга талофат бераётган, одамлар орасида қўрқув пайдо қилмоқчи бўлаётган худкушлар ҳақида айтишиди сўради.

Шунда бахши созини олиб, «Шукроналар қилмоқ ўрнига фисқу-фасодга берилиб, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиб, ўз жонига қасд қилиши гуноҳи кабира эканлигини, кафансиз, ҳаром ўлганга жаннат эшиги абадий ёпиқ эканлигини» айта бошлади.

Ҳаром ўлибсан

(Худкушга)

Ҳатто туққан онанг бўлса, сени тан олмас,
Бор бўлса зурриёдинг номинг айтолмас,
Сен тўккан бегуноҳ одамлар қони,
Етти пушти авлодинг урмасдан қолмас,
Шаҳид бўлмоқ истаб ҳаром ўларсан.

Ватанни сотган хоин дейилар,
Пул учун дўст сотган сотқин дейилар,
Нон тепган кўзига милдан қуйилар,
Бу жазоларга ҳам лойиқ эмассан,
Хиёнат қиб халққа ҳаром ўларсан.

Мардлар ўз элига қурбон бўлади,
Ҳеч ким устун бўлмас, сафар қилади,
Йиғилган мол-дунё аниқ қолади,
Инсон об кетари кафан бўлади,
Кафансиз, қабрсиз ҳаром ўларсан.

Халқ ичига қўрқув солмоқ истабсан,
Танлаган йўлга ғов бўлмоқ истабсан,
Жанозасиз кетдинг дайди ит каби,
Ўз бошингга ўзинг бу кун етарсан,
Ном-нишонсиз бекор ҳаром ўларсан.

Ҳаром ўлиб кетдинг сендан доғ қолди,
Булоқлар шарқираб улкан тоғ қолди,
Қуримади гулзор, файзли боғ қолди,
Қўрқуви йўқ элнинг, кайфи чоғ қолди,
Хом ҳаёл ғаламис ҳаром ўларсан.

Шунда бахшига дилдаги гапларни айтингиз, анграйиб турганларни ҳушёр эттингиз, ягона мақсад йўлида бизларни янада жипс эттингиз, офаринлар бўлсин Сизга «Эл суй-

ган бахши», деган ташаккурлар ёғилди. Мулозимлар сардори туя жунидан тикилган қирмизи чакмонни бахши елкасига ташлаб, «Халқ орасида яна қандай гаплар бўлса сўйлаб беринг», деди.

Шунда Бойсунқур бахши Ултонтознинг Бойсун-Қўнғиротдан чиқиб кетиб, Асқар тоғининг ғорларига кириб олиб, халқни нотинч қилаётган ҳамтовоқ шерикларини, халқ чаёнга менгзагани ҳақида айтиб берай, деб дўмбирасини сайратиб турган жойи;

Чаёнга

Мансаб ололмаган ношукур номард,
Ҳайвондек писишни айлабсан одат,
Кўнглинг истаб қолиб роҳат-фароғат,
Она сутингга ҳам қилдинг ҳиёнат.

Оқпадар! Юртингга қилибсан ҳамла,
Мажақланасан-ку, мисли газанда,
Сени сақламайди тоғнинг тошлари,
Қузғунга ем бўлар хоин лошлари.

Ғорларда димиққан заҳарли чаён,
Иймонсиз, кафансиз ўлишинг аён,
Қузғунлар ўйиб еб нурсиз кўзларинг,
Қиртишлаб ташлаймиз босган изларинг.

Бегуноҳ тўкилган қон сени тортар,
Авлод аждодларингни қора ер ютар,
Ғазабга тўлгандир муқаддас Ватан,
Чаённи йўқ қилмай ором топмас тан.

Йўлин тополмаган нонкўр нодонлар,
Кеч эмас қилсангиз чин пушаймонлар,
Қўйнингизга солган ёлғонлардир пуч,
Эгилган бошларни кесмайди қилич.

Биз учун ягона яралган Ватан,
Унинг тинчлигида фидо бўлсин жон,
Халқим фидойидир бошида сарбон,
Тирик қололмайсан билиб қўй чаён.

Шунда Алпомиш султон Бахшига қараб, «Эй бахши фақат сарой аҳлига эмас бутун халойиққа, ёшларга қандай насиҳат ва истакларингиз бор. Шулардан ҳам айтаверинг», - деди.

Шунда Бойсунқор бахши: Алполмиш султоним, маҳмадоначилик қилди демасангиз «Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри қилмайсан» деган халқ мақолига риоя қилиб, бир-икки сўзимни айтсам. Ултонтоз ва унинг қаланғи-қасанғи ҳамфикрлар юртдан чиқиб кетди, ўзларининг қазиган чоҳларига ўзлари тушди, деб фарқоб бўлмагиз. Ҳамма ўз имконият даражасида ҳушёр бўлиб, ўзини, уйини, юртини сақласин, асрасин. Шу ҳақда бир-икки оғиз сўз, деб айта бошлади.

Асрагин болам

Ватан остонадан бошланар болам,
Ҳеч қачон ғафлатда бўлмагин болам,
Уйдан, юртдан чиқмасин десанг нолам.
Уйингни, юртингни асрагин болам.

Сарҳадлар эгали, деб бепарво бўлма,
Қалъа бут, қалқон бут деб хотиржам бўлма,
Ғаламис-сотқинлар ёнма-ён балки,
Уйингни, юртингни асрагин болам.

Ўзбекларда тўйлар кўп, томошалар кўп,
Улоқда, курашда бўлишади тўп,
Инсон қиёфада юргувчилар кўп,
Уйингни, юртингни асрагин болам.

Ғийбат чиққан уйдан барака кетар,
Оқпадар фарзандлар юртга тош отар.
Ҳамма сергак бўлса сайил тинч ўтар,
Уйингни, юртингни асрагин болам.

Тинчлигинг, бойлигинг ҳаммага ёқмас,
Мухолиф кучлар бор, улар тинч ётмас,
Бузмакор бузмасдан орадан кетмас,
Уйингни, юртингни асрагин болам.

Хабардор қилинглар ёшу-қарини,
Айтолмадим болам гапнинг борини,
Яна бир бор айтай мухтасарини,
Уйингни, юртингни асрагин болам.

Шунда мулозимлар бошлиғи, сотқин Ултонтознинг Бойсун-Қунғирот султон саройига лаҳм орқали кирмоқчи бўлгани ва охирида лаҳм ўйилиб тушиб, тупроқ остида қолгани ҳақидаги гаплардан айтишини сўради.

Бойсунқор башхи бир тўлғониб, мардош қуриб ўтириб олиб, гур косадаги қимизни бир-икки ҳўплаб, муртини буриб, атрофга бир қараб «Аллоҳим сақласа ҳеч бир бало йўқдир, агар сақламаса ҳеч пано йўқдур», деб турган жойи:

Ўзбекнинг бахти учун Сизни сақлаймиз

Асраса Аллоҳим ҳеч бало йўқдир,
Шоҳи Мардон сақлар кўнглимиз тўқдир,
Хоиннинг нияти ўзига ўқдир,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Ниятига етмас қора бўп юзи,
Халқ қарғиши уриб оқади кўзи,
Офатга учрагай Ултонтоз ўзи,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Ватанга хиёнат, манқурт-кас қилди,
Хоинлар нияти бизни жипс қилди,
Эл-юртнинг дуоси уни ҳибс қилди,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Отага қасд бўлди, жаҳон қалқиди,
Адолат қуёши юртда балқиди,
Бойсун-Қунғирот эли Сизни олқади,
Элнинг бахти учун асранг Султонни.

Собит бораётир Ўзбек карвони,
Манзилга етказар доно сарбони,
Аллоҳ назар солган ўзбек ўғлони,
Юртинг бахти учун асра Султонни.

Шунда саройнинг ҳамма тарафидан бахши номига қутловлар ёғилди. Алпомиш султон ўрнидан туриб, бахши томон юриб Бойсунқур бахшининг - Халқ бахшиси номига сазовор бўлгани ҳақидаги фармони олийни эълон қилиб, ёқут кўзли узукни бахши бармоғига тақиб қўйиб:

– Эй Бахши Ултонтознинг Бойсун - Қўнғиротдан чиқариб юборилганига ҳам бир мучал бўлди. Сиз Эл оралаб юрибсиз, давраларда бўласиз, яхши-ёмон билан гурунг қиласиз, янги бекларимизни, мингбоши, элликбошиларимизни танлаб оламиз. Халқ ким тарафда, кимларни ёқлаб гапира-япти шулардан сўзланг, – деди.

Шунда Бойсунқур бахши халқнинг дилидаги гапларга ўзининг ниятини қўшиб, дўмбирасини сайратиб, куйлай бошлади:

Аллоҳга шукур қиб...

Ўлтонтоз зуғуми кучайган пайтда,
Ўз тили юртида ўтмаган вақтда.
«Давлат тили» мақоми беролган мардга,
Бутун вужудим-ла овоз бераман.

Ватан мустақил деб айтолган Алпга,
Юрт Мадҳиясини куйлаган қалбга,
Туғроли байроғин кўтарган Бекка,
Халқим, гурур билан овоз бераман.

Сарҳадларин дахлсиз сақлаган шерга,
Халқини оламга танитган эрга,
Ўзининг мустақил йўли бор зўрга,
Буюк юрт ўғли деб овоз бераман.

Доимо пирларнинг руҳин шод этган,
Кўҳна қадриятларни қайта ёд этган,
Алпомиш кимлигин дунё таратган,
Фидойилар учун овоз бераман.

Келажаги буюк деган зуккога,
Озод Ватан учун жонин тикканга,
Халқи учун фидойи қўшюрак бекка,
Аллоҳга шукур қиб овоз бераман.

«Ўзбек кураши»ни оламга ёйган,
Юрти «Мучал ёшда», жаҳон тан олган,
Халқи юрагидан ўчмас из олган,
Улуғ Сарбонимга овоз бераман.

Истиқлол қўрғони илк меъморига,
Ўзбекнинг виждони ҳамда орига.
Халқнинг меҳри тушган бош саркорига,
Токи танда жон бор овоз бераман.

Шундан сўнг Алпомиш султон Бойсунқур бахшига офаринлар айтиб «Эй юрт кезган, Эл кўрган бахши, одамлар ва уларнинг хислатлари ҳақида билган, эшитганларингиздан сўзланг», деди. Шунда Бойсунқур бахши: «Муқаддас китоблардан ўқиганим, донолардан эшитганим ҳақида айтмай. Одамзотни яратган Эгамдан неники сўраса бергай, бироқ жавоби икки хил бўлгай. Хушхулқ инсонлар жаннат кўргайдур, бад қилиқлари эса дўзахда ёнгайдур.

Ифвогар ҳам, фитнакор ҳам, чақимчи-ю, ҳасадгўй ҳам инсонлар орасида юргайлар. Мўминлар доно фикри билан, адолатли ҳукми билан бардош ила жавоб бермоққа тайёр бўлгайлар. Уларга эса вақт шифо бергусидир, нолиманглар», деб айта бошлади;

Яратган Эгам

Инсон яралган ҳалол меҳнатга,
Ари бол йиғмоққа келган ҳаётга,
Айёр тулки эса устадир пандга,
Ҳаммани синовга яратган Худо.

Боғбон боғ яратиб кетар оламдан,
Деҳқон нон яратиб ўтар оламдан,
Чақимчи сўз қайраб ўтар оламдан.
Ҳаммани синовга яратган Худо.

Тинч бўлсин олам дер, доим яхшилар,
Элнинг дардин куйлар шоир-бахшилар,
Фитнакор бор жойдан безор кишилар,
Ҳаммани синовга яратган Худо.

Ҳавас билан яша, бўламан десанг,
Олтинмас дуо ол, ўсаман десанг,
Яхши ният қилгин, етаман десанг,
Ҳаммани синовга яратган Худо.

Инсон бўлиб келган бўлсанг ҳаётга,
Яхшилик қил фақат, йўқ деб ғийбатга,
Тез-тез қараб қўйгин, доим изингга,
Ҳаммани синовга яратган Худо.

Барча хислатларга соҳибсан одам,
Кимда не тамға бор, қўйгандир Эгам,
Боқийда бордир тошу-тарози,
Уни ўрнатган ҳам Ягона Худо.

Бас, шундай экан, саховатли бўл!
Аллоҳга-Ватанга диёнатли бўл!
Ҳеч иш қилолмасанг кулдиргин ва кул,
Ватанга изингда нима қолди бил!

Шунда саройда ўтирганлар бир сергакланиб «Ҳаммаси Яратганнинг иродаси билан бўлар экан. Бепарво ҳам бўлмайлик, парво ҳам қилмайлик» дейишиб яна ҳикматлардан айтинг дейишди.

Шунда, Бойсунқур бахши Алпомиш султонга қараб, кўксига қўлини қўйиб, таъзим қилиб: Султоним, ота-боболарим бутун юртга, юртбошига, бутун элга-элбегига, жами халққа-инсонларга, барча-барчага бирдек эзгу тилагини тилагич эди. Лозим топсангиз шуни бир айтсам дебди. Алпомиш султон кулимсираб айтишига изн берибди. Шунда Бойсунқур бахши дўмбирада «Чертмак» нағмасини чалиб Аллоҳ, Ўзи яратган оламни бир нарсадан ўзи сақласин, деб айта бошлабди:

Фитнадан сақла

Кўксини тешиб маъданлар изла,
Бағрини ёриб оқизгин дарё,
Таёқни тиқсанг ҳам бергайдир мева,
Яратганим! Заминни фитнадан сақла.

Отани боладан айирар фитна,
Дўстни душманга қайирар фитна,
Қўшнини қўшнига гиж-гижлар фитна,
Оҳ, Раббим! Ер юзин фитнадан сақла.

Тегирмон тоши айлансин бошда.
Оч-юпун бўлсақда қаҳратон қишда,
Аҳиллик кетмасин қарию-ёшда.
Эҳ, Эгам! Элларни фитнадан сақла.

Бойсарини юртдан кўчирган фитна,
Алишерни тахтдан қувдирган фитна,
Улуғбекни ўғлига сўйдирган фитна,
Худойим! Бандангни фитнадан сақла.

Қаср бўлмасада, бор шукур уйим,
Хотиржам юртимда ўтади тўйим,
Тилларим бийрондир, жаранглар куйим,
Юрт аҳли! Юртбошим фитнадан сақла.

Мусафодир осмон, бўлмаса фитна,
Меҳрибондир инсон, бўлмаса фитна,
Онада қайғу йўқ бўлмаса фитна,
Аллоҳим! Инсонни фитнадан сақла.

Улуғ аجدод наслимиз орзу қилгулик,
Тўқсон икки бовли халқ шукроналик,
Ватанда мангу бўлсин соғлиқ-омонлик,
Тангрим! Хотиржамликни фитнадан сақла!

Аҳли сарой ҳаяжон билан куйлаётган бахшини қутлаб,
устидан тангалар сочдилар, машваратга йиғилганнинг бар-
часи шод бўлиб тарқалишига чоғланди. Алпомиш Султон
тахтдан тушиб, елкасидаги зар чопонни бахшининг елкаси-
га ташлади. Бойсунқур бахши хайр хуш қилиб, сарой аҳли-
га қараб бир гап айтиб жўнаб турган жойи:

Бойсунқур бахши айтди билганларини,
Эл ичидан англаб етинг қолганларини,
Бахшини хоҳлаганлар тўйларда кутсин,
Ҳамма соғ-омон бўп, мақсадга етсин.

САЙИЛДАГИ БАХШИЛАР

Алпомиш юрти Бойсун-Қўнғиротда истиқлол байрамининг мучал ёшдаги Навруз сайли шодиёналарга бой бўлди. Қора-музлар эриб кетди, қир адирда чечаклар униб, лолалар битди. Дарахлар куртак ёзиб, уйғониб кетди, халқнинг катта сайли бўлиб ўтди.

Айтган ҳам қўшиқ айтди, айтмаган ҳам айтди.

Жилғалар тошиб сой бўлди, қулунлар ўсиб той булди, меҳнат қилган тадбиркор бой бўлди, ишەқмас, бепарво лоқайдлар аҳволи вой бўлди.

Шунда бахшилар айтуви бўлиб, Бойсун-Қўнғирот бийлари томондан катта-катта совринлар қўйилди, дўмбирасини диринг-диринг қилганлар совринсиз қолди, жуйрик-чечан бахшилар дўмбирасини гумбирдатиб-сайратиб ғолиб бўлди, соврин олди. Бахшилар териб айтди, билганини жўшиб айтди, баъзида қўшиб айтди, ҳаммасини созлаб айтди, сайилга мослаб айтди.

Жегини туриб, соқолини силаб, муйловини бураб илк навбатни Эломон бахши бошлади.

«Ў-ў-ў азизларим ! Инсонга Ватан азиз, тупроғи тўтиё, унинг мадҳини куйламоқ ҳаммага насиб қилмайди. Мен айтишувни Ватан мадҳини куйламоқдан бошладим, дея жўшиб турган жойи;

Ватан мадҳи

Турон заминида буюксан, юртим,
Ғурурим, виждоним, Ўзбекистоним.
Шу замин йўрғагим, камолим, бахти,
Тенгсизим, яғонам, она ватаним!
Ғурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним!

Кўҳна Турон заминим порлоқ қуёши,
Сенинг раҳномангдир доно юртбоши.
Меҳнатга эрк бергай замон оташи,
Жаҳонда ўрни бор она-Ватаним.
Фурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним.

«Оқ олтин» довруғи оламини тутган,
Олтин бошоқ хирмони осмонга етган.
Сариқ, қора конлари маҳлиё этган,
Олтинлар макони она-Ватаним!
Фурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним!

Аҳиллик, ҳамкорлик байроғинг сенинг,
Илму-фан, хунардир яроғинг сенинг.
Дўстлик, биродарлик шиоринг сенинг,
Саховатли юртим она-Ватаним!
Фурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним.

Бухорий дуоси, Термизий сўзи,
Хоразмий, Беруний тафаккур кўзи.
Нақшбанд, Яссавий сўнмас шиори,
Йулингни порлатсин она-Ватаним!
Фурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним.

Амир Темур дили сенинг дилингдир,
Мир Алишер тили сенинг тилингдир.
Ҳалоллик, тантилик сенинг йўлингдир,
Истиқлол муборак она-Ватаним!
Фурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним.

Олтин бешигимсан, жоним жаҳоним,
Тилда қўшигимсан, зиё масканим.
Меҳр ва мурувватнинг ўчоғидирсан,

Фарзандингга Она қучоғидирсан.
Фурурим, виждоним, Ўзбекистоним,
Сенга бахшидадир тандаги жоним.

Ватан остонадан бошланади, ўз уйини, ўз қишлоғини, туманини севиб ардоқлаган Ватан қадрига етади. Мен билганимча остонам, киндик қоним тўкилган Бойсун ҳақида куйлай, дея Мулкомон бахши дўмбираси қулоғини етказиб бурадида Алпомиш юрти Бойсун-Қўнғирот ҳақида куйлай бошлади.

Юртим Бойсун

Фаҳр этарман номинг билан,
Халқинг бахтли шонинг билан.
Жўшиб куйлай қўлда торим.
Қутлаб – қутлуғ ёшинг билан.

Бойсун менинг бешигим,
Бойсун менинг қўшиғим.
Бойсун менинг оримдур-ей,
Бойсун менинг боримдур.

Беҳисобдир тоғда конинг,
Дардга даво ҳар маконинг.
Истиқболдан нузли тонгинг,
Юртим ҳали кўп имконинг.

Бойсун менинг бешигим,
Бойсун менинг ёшлигим.
Бойсун менинг оримдур-ей,
Бойсун менинг боримдур.

Хунар билан машҳур элинг,
Дастурхонда тўкин нонинг.
Тўйлар қилиб кут меҳмонинг,
Достон бўлар айтсам боринг.

Халқинг яшар бир тан бўлиб,
Олим, шоир донгдор бўлиб.
Таърифингни айтган бўлсам,
Мен бахтлиман созим чалиб.

Босун менинг бешигим,
Бойсун менинг қўшиғим.
Бойсун менинг боримдур-ей,
Бойчибор тулпоримдур.

Шундан сўнг Мулкомон бахши қоши билан Эломон бахшига имо қилди. Эломон бахши: Яратганга шукурки замон замон бўлди, кўнгиллар завққа тўлди, юртим эга бўлди, шу ҳақда билганимча бир икки қатор терма айтай бўлмаса деб, дўмбирасини сайратиб, ўйнатиб, «Дунё тан олди Ўзбекистонни, дилдан ғубор кетиб севинчга тўлди», дея куйлай бошлади.

Ҳур замон бўлди

Қуёш чарақлади Турон юртда,
Унутилган халқим ўзлигинг топди.
Дунё тан олди Ўзбекистонни,
Байроғин, Қомусин, Туғросин топди.
Замон-замон бўлди, ҳур замон бўлди,
Элимиз халқ бўлиб, юрт омон бўлди.

Мавжланиб дарёлар, булоқлар қайнар,
Унутилган қўшиқ қайта жаранглар.
Унинг мадҳияси оламда янграр,
Ўзбек юрти буюк бўлар муқаррар.
Замон-замон бўлди, ҳур замон бўлди,
Элимиз халқ бўлиб, юрт омон бўлди.

Ниҳоллар шоналар кўкка бўй чўзди,
Тойчоқ тулпор бўлиб пойгада ўзди.
«Кумуш қуш»им мағрур жаҳонда сузди,
Ўзбек деган номим оламини кезди.
Замон-замон бўлди, ҳур замон бўлди,
Элимиз халқ бўлиб, юрт омон бўлди.

Оналар хотиржам, мусаффо осмон,
Халқ эрки ўзида, кўнгил чароғон.
Меҳнатга, ўқишга яралди имкон,
Ўзбекистон юртим бўлар фаровон.
Замон-замон бўлди, ҳур замон бўлди,
Элимиз халқ бўлиб, юрт омон бўлди.

Ватаним муносиб сарбонли бўлди,
Дилдан ғубор кетиб, севинчга тўлди.
Халқимнинг орзуи энди ушалди,
Ўзбек халқи бахти абадий кулди.
Замон-замон бўлди, ҳур замон бўлди,
Элимиз халқ бўлиб, юрт омон бўлди.

Энди ҳур замонни кўриб, шукроналар қилайлик. Шу билан бирга ўтган замонни эслайлик. Чархпалак дунёда эгрини-тўғри, ҳалолни-ўғри, фидоинни-хион дедик. Шукроналар бўлсинки, селабалар оқиб кетиб, булоқлар куз очиб, жилғалар жилдиради. Шукронамни айтай бўлмаса деб Мулкомон бахшининг «Шукур дедим», дея жўшиб турган жойи;

Шукур дедим

Бу чархпалак дунё кимлардан ўтди,
Турон заминига ҳам кўплар кеб кетди.
Бу тупроқ, бу Ватан меники деса,
Уни босмачи деб, чиқариб отди.
Мен тавба дедим.

Тилни билмайсан, сен чекка тур деди,
Қўйингни боққину пахтаг тер деди.
Мен нимани айтсам шуни қил деди,
Лавозим теккан-да, саводсиз деди,
Мен тавба дедим.

Элни алдаганга мартаба ортди,
Хиёнаткор дўстлар дўстини сотди.
Ҳалол инсонларга тошларни отди,
Насиҳат айтишиб ғийбат тарқатди,
Мен тавба дедим.

Керак бўлганингда меҳрини сочди,
Хуш қилиқлар билан кўнглингни очди.
Поёндозинг бўлди қуриган хасдай,
Изингдан обруйинг ҳавога сочди,
Мен тавба дедим.

Булбул чағ-чағ сайраб, ғурбатга қолди,
Қарғалар қағ-қағ деб ҳурматда бўлди.
Анқовлар дононинг устидан кулди,
Мансабдор керилиб, дономан деди,
Мен тавба дедим.

Хатони топганида шердай бўкирди,
Қуллик қиб узатсанг, ўсасан деди.
Мақтасанг зукко деб мартаба берди,
Ҳақ-ноҳақ барибир айтганин қилди,
Мен тавба дедим.

Қўй ва бўри келди битта сувлотга,
Чўпон ити ётар ором ғафлатда.
Тўғри сўзни айтган қолди туҳматга,
Риёкорни кўриб иззат ҳурматда,
Мен тавба дедим.

Мен билганимча айтдим, навбатни укам Мулкомон бахши сизга узатдим.

Шунда Мулкомон бахши қимрондан бир ҳўплаб, дўмбирасини қўлга олиб, мардош қилиб ўтириб олиб, куйлай бошлади.

Эл оралаб тўйларда юраман, адирларда улоқ чопаетган чавандозларни кўраман. Яқин ўтган замонларни эслаб бош қомусимизни кўзга сураман. Ўзбекка қайтди-ку ор, ғурур, номус деб куйлай бошлайман, бир эшитинглар бўлмаса:

Борим-борлигим

(Бош Қомусимиз 10 йиллигига)

Олтин қафасдаги булбулни кўриб,
Яқин ўтган замон ёдимга тушди.
Кумуш ликопчада тўла дон кўриб,
Яқин ўтган кунлар ёдимга тушди.

Бош Қомусимиз ўпиб ўйладим,
Ёлғон қонунчилик ёдимга тушди.
Зар варақларини кўзимга суртдим,
Ўзи йўқ эркинлик ёдимга тушди.

Шукурки ўн ёшда бугун Бош Қомус,
Ўзбекка қайтди-ку ор, ғурур, номус,
Тенглар ичра тенгсиз Аллоҳга шукур,
Буюк келажакка юзланган шуур.

Асосий қонуним – Мустақиллигим,
Истагим ёшгинанг минг-минга етсин.
Сенда мужассамдир барча тилагим,
Алдимчи Қомуслар туш бўлиб қолсин.

Яшанг, юракдаги гапларни айтдингиз, озод бўлдик, обод бўлайлик. Абадий бўлсин истиқлол, бизга кулди чин иқбол, деб Эломон бахши созини сайратиб атрофдагиларни қаратиб, дона-дона қилиб айтиб турган жойи:

Кулди иқбол

Мустақиллик сўзини тумор қилган халқим бор,
Мустақиллик туфайли Алпомишдек алпим бор.
Меҳмон бўлган сайёҳни хумор қилган юртим бор,
Шундай юртда туғилиб ўсганимдан фахрим бор.

Мустақиллик неъмати озод, обод юртим бор,
Ўзбек деган халқим бор, сарбоним бор, орим бор.
Асрагайман абадий токи танда жоним бор,
Уни юрак деб билдим, томиримда қоним бор.

Иймонимиз пок бўлиб, ризқимиз бўлди ҳалол,
Ўн ёшли савлатига агёрларим қолди лол.
Гул ҳидидан маст бўлиб ари йиғар бунда бол,
Абадий бўл истиқлол бизга кулди чин иқбол.

– Кўнгилдаги гапларни айтдингиз оғам Эломон. Иқболи-
миз кулди, ўчоқда чўғ бознади, чўпон ҳам шод, деҳқон ҳам
шод. Юрт хотиржам, ҳаёт завқли, – дея Мулкомон бахши-
нинг шодланиб, куйлаб турган жойи:

Бознади чўғ

Чойхонада чоллар кайфи чоғ бўлиб,
Халқига тилайди сабру-қаноат.
Шукурки қумғонимиз қайнар ғарқиллаб,
Қуёш ҳам чиқади ўзгача порлаб.
Бознаб турган чўғда қайнайди қумғон,
Ҳаёт завққа тўлиб, бўлди фаровон.

Чўпон қўлда таёқ, эл ризқин ўйлар,
Қўй-эчки яйловда, қўзичоқ ўйнар.
Шудрингдан сирғаси лолазор куйлар,
Чўпон юзи ёруғ қумғони қайнар.
Бознаб турган чўғда қайнайди қумғон,
Ҳаёт завққа тўлиб, бўлди фаровон.

Қумри-булбул сайраб гунчалар хандон,
Гулқайчи қўлида, тинмайди боғбон.
Ширин-шакар мева ундан армуғон,
Қуриган шохлардан ловуллаб гулхан.
Бознаб турган чўғда қайнайди қумғон,
Ҳаёт завққа тўлиб, бўлди фаровон.

Арилар парвона, уйғоқ куртақлар,
Баҳор келганидан беради хабар.
Гулхан чўғи турар ўчоғда бознаб,
Деҳқон дон сочади шод, қувнаб.
Бознаб турган чўғда қайнайди қумғон,
Ҳаёт завққа тўлиб, бўлди фаровон.

Донишманд пирларнинг руҳи шод бугун,
Истиқлол неъматини, Аллоҳга қуллуқ.
Қўрғони бут, эл омон, ишончли устун,
Оналар хотиржам, осмони тиниқ.
Бознаб турган чўғда қайнайди қумғон,
Ҳаёт завққа тўлиб, бўлди фаровон.

Эломон бахши қўлига яна созини олиб: Шўролар даврида Бойсун-Қўнғиротга «Зангори олов» олиб бориш саробга айланган эди. Иқтисодий зарар беради деб ҳисобланганига қарамасдан Мустақиллик туфайли юртбошимизнинг Бойсунда бўлишидан Бойсун халқига туҳфа бўлиб «Зангори олов» – табиий газ келди, бугун эрта «Пўлат излар» ўтар бўлди, элнинг орзуси ушалди. Шодлиги чексиз бўлди. Мен мустақилликнинг Бойсун халқига туҳфасини айтиб берай деб айта бошлади:

«Зангори олов» қутлуғ халқим

(1995 йил 23 декабрда Бойсунда «Зангори олов» ёнди)

«Зангори олов», «Пўлат излар», Бойсунимга иқбол кулар,
Юртбошнинг туҳфасини Бойсун халқи тумор қилар.
Мустақиллик туҳфалари халқим сенга қутлуғ бўлсин,
Аҳилликни шиор қилган, янги йилинг қутлуғ халқим.

«Зангори олов» тафти бугун, келажакка ишонч халқим,
Билсанг бунга хизмат қилган Эргаш, Қурбон ўғлинг халқим.
Қурган Харон, Жўра, Тўра, Шавкат, Салим ўғлинг халқим,
Дуо айланг янги асрда Бойсун бўстон бўлсин халқим.

Ўзбек эли сарбонининг ишончини оқланг халқим,
Эрсоат, Шодмон хизматин улуғланг, сақланг халқим.
Юксалишнинг довоига «Зангори олов» мадад бўлсин,
Юксалишга мадад бўлган «Зангори олов» қутлуғ халқим.

Буюк Турон заминида нурли тонглар отар халқим,
Энди бўлар обод бу юрт, навбат келди ишла халқим.
Фақат меҳнат ва ҳалоллик тотувлик деб яша халқим,
Янги аср сенга ҳамроҳ, бахтинг қутлуғ бўлсин халқим.

Яшанг ука ! Мана ўчоғимизда чўғимиз бознаб, қумғо-
нимиз қайнаб ҳамма касб эгалари ўз касбидан шодланиб,
гурурланиб яшамоқда. Бўлмаса мен билганимча айтай, ка-
мини сиз тўлдирасиз.

Навбатни яна Эломон бахши олиб; Эй юртдошлар, му-
стақил замонда янги асрга қадам қўйдик, қўрқув-ҳадикни
бир томон сурдик. Ягона Ватан Туронзаминда иноқ бўлсак,
ҳамкор бўлсак мусаффо бўлар осмонимиз, мағрур ҳилпи-
рар байроғимиз, арвоҳи шод бўлар аждодимиз, рози бўлар
авлодимиз, деб жўшиб куйлаб турган жойи:

Янги асрда

Янги аср Янги тилак омад бўлсин йўлдошимиз,
Ватанимиз нурли йўлда, бир аср ошди ёшимиз.
Биз танладик буюк йўлни, ҳамкорликдир шиоримиз,
Иноқликда ҳавас билан чиқиб келар қуёшимиз.
Ҳамкор бўлинг, ҳамкор бўлинг Турон замин Ватанимиз,
Аждод рози, авлод рози, мусаффордир осмонимиз.

Истиқлол ҳам абадийдир елкада мағрур бошимиз,
Дилларга жой мадҳиямиз, ҳилпирайди Байроғимиз.
Навоий ғазалин ўқиб, Жомийдан айтгаймиз қўшиқ,
Махтумқули, Тўхтагул Абайлар бизнинг ашъоримиз.
Ҳамкор бўлинг, ҳамкор бўлинг Турон замин Ватанимиз,
Аждод рози, авлод рози, мусаффордир осмонимиз.

Умумий уй Она замин иноқдирлар қарри-ю ёш,
Ложуварддир осмонимиз чарақлайди кўкда қуёш.
Қуримайди Оролимиз, тотли бўлар еган ош,
Жайҳун-Сайхун тўлиб оқар беш оғайни бўлсак қардош.
Ҳамкор бўлинг, ҳамкор бўлинг Турон замин Ватанимиз,
Аждод рози, авлод рози, мусаффордир осмонимиз.

Бирга бўлган аждодимиз, бирга бўлсин авлодимиз,
Турон замин ягона уй, ягонадир Қуръонимиз.
Куйлар ўхшаш, тўйлар ўхшаш, Ипак йўлидир йўлимиз,
Ҳамкор бўлинг, ҳамкор бўлинг Турон замин Ватанимиз,
Аждод рози, авлод рози, мусаффордир осмонимиз.

Севгин юртни, ранжимасин, бу заминда сендан инсон,
Мурувват қил одамларга топганингда бирор имкон.
Дегани бор донишманднинг, билиб олгин жоним ўғлон,
«Олти ола олдиради, бешов иноқ – мўл дастурхон».
Ҳамкор бўлинг, ҳамкор бўлинг Турон замин Ватанимиз,
Аждод рози, авлод рози, мусаффордир осмонимиз.

Янги аср омад берсин, «Зангори олов»имиз,
«Пўлат из»лар қурилмоқда, қатнар ундан «тулпор»имиз.
Қувончларга бой асрда кўкка етсин хирмонимиз,
Шоди-хуррам даврон суриб, қолмасин ҳеч армонимиз.
Ҳамкор бўлинг, ҳамкор бўлинг Турон замин Ватанимиз,
Аждод рози, авлод рози, мусаффордир осмонимиз.

Мана энди ҳамма умид билан, орзу билан элимга, юртимга
бирор нарса қолдирай, деб яшай бошлади. Мен буни юртим
Бойсун-Қўнғирот фидоиси, доно оқсоқол ўғли Эркин мисоли-
да бир айтай, деб Мулкомон бахшининг куйлаб турган жойи:

Инсон орзула яшар

Одам атодан яралган башар,
Халқ-юртга эзгулик қилай деб яшар.
Халқига сув учун тош кесган Фарҳод,
Мардлиги яшар қалбларда умурбод.

Истиқлол неъматини Эркин нияти,
Маҳлиё қилса бас ўзбекнинг юрти.
Уйғониб новдалар, гул бўлса куртак,
Соғлом камол топиб улғайса гўдак.

«Сув бермоқ савоб»дир халқнинг мақоли,
Ўғлига ўргатган доно оқсоқоли.
Чидам изланади, бардошли дуркун,
Фидойи халқ ўғли Қўнғирот Эркин.

Ўтганлар руҳини қилайин деб шод,
«Жийдали ота» қабрини айлади обод.
Тавоф айлаб ўтган авлиё пирни,
Руҳи шод бўлсин деб мақбара қурди.

Ўтганлар руҳига ўқилди Қуръон,
Ҳамманинг дили шод, лабида хандон.
Дуосини бергач элдаги сарбон,
Холбой ўғли дастлаб қўйди кетмон.

Орзулар ушалди яралди имкон,
Йўл топади унга кимки билағон.
«Жийдали ота»да қурилиб уммон,
Юрт бўлур фаровон, тўкин дастурхон.

Некният-ишончла яшаган башар,
Аввали Аллоҳдан, унга эришар.
Шукурки, бошланди бахтли замонлар,
Эзгулик гуллади бўлинг омонлар.

Бойбури юртини энди кеб кўринг,
«Зангори оловдан» унинг белбоғи.
«Пўлат излар» ўткан, қатнаб тулпор,
Баҳорида ўтар «Бойсун баҳори».

Қўйлари қўзилаб минг-минга етган,
Тойичоғи тулпор бўп пойгада ютган.

Полвони курашда доим ғолибдир,
Ёшлари тиришқоқ, илму-толибдир.

Бахтли бўлди халқим, бахти борлар кўп,
Буюк бўлар юртим, фидоийлар кўп.
Аллоҳ инъом этган олтин тупроқни,
Меҳр-ла меҳнат қилса кўкаради чўп.

Бахшилар айтишувини тинглаб турган ўтаган оқсоқол: «Ў-ў-ў, бахшилар ёшлар тинглаб-ўйнаб куладиганларидан ҳам ай-тинглар. Бойсун тоғимиз гўзаллиги, ундаги шифо булоқла-ри, ноёб ўтлоқлари ҳақида ҳам айтинглар» деб қолди.

Шунда Эломон бахши тоғлик бўз йиғитнинг қўшни қизига ошиқ бўлиб юргани, айта олмай доғда эканини, эрталаб қуёш шарқдан чиқса қўшни қизи ғарбда туриб қиздиргани, рози бўлса тоғнинг зиркидан солиб, ош қилиб ҳаммани тўйга таклиф қили-шини айтиб юргани ҳақидаги қўшиғини айтиб берай, деб дўмби-расининг овозини шўхчан қилиб айтиб турган жойи:

Тоғ оҳуси

Меҳрим тушган Бойсун тоғнинг булоғига,
Ялпиз, ҳўлбўй ўсган дарё ирмоғига.
Кўзачага сув олади қўшним қизи,
Сирғасини ялтиратиб қулоғига.

Ёндирдингку оҳу мисол қўшним қизи,
Юрак-бағрим ёниб чиқди жизи-бизи.

Ҳовлимиз икки ёнидан тонг отади,
Ҳар иккиси кўнгилгинам шод этади.
Сувга жўнар қуёш сочмай ёғдусини,
Эсга олиб тоғнинг ҳуркак оҳусини.

Ёндирдингку оҳу мисол қўшним қизи,
Юрак-бағрим ёниб чиқди жизи-бизи.

Сув об жўнар сал қизариб ёноқлари,
Хипча белга ярашиқли оёқлари.
Қирқ кокили тушиб ўйнар нозик белга,
Мен бечора қолавердим гулим қўлда.

Ёндирдингку оҳу мисол қўшним қизи,
Юрак-бағрим ёниб чиқди жизи-бизи.

Ҳуркак оҳу қачонгача хумор қилар,
Буни фақат осмондаги Аллоҳ билар.
Дуч келганда очолмайман ҳаттоки лаб,
Дўст бўлсангиз онасидан обберинг гап.

Ёндирдингку оҳу мисол қўшним қизи,
Юрак-бағрим ёниб чиқди жизи-бизи.

Рози бўлса тўй бошланар Бойсун тоғда,
Булбул сайрар қўниб олиб гулбутоғда.
Куй авжидан гуллар буркар тоғу тошни,
Тоққа бориб еб келасиз зиркли ошни.

Ёндирдингку оҳу мисол қўшним қизи,
Юрак-бағрим ёниб чиқди жизи-бизи.

Сайрга чиққанлар орасида кулгилар бошланиб ёшлар рақсга туша бошлади. Мулкомон бахши эса бошини қашилади-да «Шўҳи бўлса, шўхидан, тоғларимизнинг шифобахш қайнар зилол булоқлари ҳақида айтмай» деб дўмбирасини шўхчан чалиб, ҳаёт берган, севги берган, умид берган булоқлар, энди бизга меҳр-лабзни бергин булоқлар, дея айтиб турган жойи:

Булоқлар

Тоғ бағридан жилдираб чиққан булоқлар,
Жилғаларда шилдираб оққан булоқлар.
Севганлар қалбига қувонч бахш этиб,
Севгининг сиридан огоҳ булоқлар.

Севгилим зулфингни ювган булоқлар,
Қайнар булоқлар, зилол булоқлар.

Чўккалаб булоқдан ичган сувларим,
Чанқоқ бол лабларнинг болидан ширин.
Қайнайвер тоғдаги қайнар булоқлар,
Одамларнинг ошириб ўзаро меҳрин.

Севгилим зулфингни ювган булоқлар,
Қайнар булоқлар, зилол булоқлар.

Тоғ сўқмоғи элтар сизга булоқлар,
Муҳаббатга баҳра берган булоқлар.
Ҳаёт билан севги берган инсонга,
Энди меҳр-ла лабзни берган инсонга.

Севгилим зулфингни ювган булоқлар,
Қайнар булоқлар, зилол булоқлар.

Сайилда қатнашаётган барча бахшига жўр бўлиб, булоқлардан меҳр-оқибат сўраб айтди, рақсга тушди. Шунда Эломон бахши: Булоқлар ҳақида айтар бўлса, биз ҳам билганимизча айтайлик деб, Бойсун тоғидаги Туғдонали булоғи бошидаги гўзалликни баҳор фаслида кўрган йигитлардан бирининг айтиб юрган қўшигини дўмбирага солиб айтаётган жойи:

Туғдонали булоғида

Тонг бўзарган, ўрмон уйғоқ,
Гул ҳидидан маст булбуллар.
У ён булоқ, бу ён булоқ,
Завқли ҳаёт, шод кўнгиллар.

Қўлида гул, бағрида гул,
Гул борар тоғ сўқмоғидан.
Сўқмоқ этар Гулдонани,
Туғдонали булоғига.

Субҳидам тоғ шабадаси,
Унинг ўйнар зулфи билан.
Силаб-силаб бол йиғарди,
Кулгичининг холларидан.

Булоғида шифобахш сув,
Туғдонаси бор мўъжиза.
Биздан кетган ҳадик қўрқув,
Келиб кўриб, қилинг мазза.

Аллоҳ берган бу неъматни,
Эгали юрт, садоқатни.
Кўрсангизлар дилни чоғлар,
Шифо маскан Бойсун тоғлар.

Шўхчан қўшиқлардан сайрга келган ёшлар қийқируви
ям-яшил адирларни тўлдириб, ҳамма иштирокчини кулди-
риб, тепаларда ўтирганларни бахши ёнига эндириб, сайил-
даги барчани жонлантириб юборди.

Шунда Мулкомон бахши «Бойсунлик бўз йигитнинг Туғ-
донали булоғи сув берадиган жаннатмакон қишлоғидаги
бир сулувга ошиқ бўлганини, унинг боғига боғбон бўлиб
ишлаб, сулувнинг кўнглини олгани ва мурод мақсадига ет-
ганини» айтиб турган жойи:

Сулувгинам

Тоғимнинг бор шифо сувли булоқлари,
Поёнида жаннатмакон қишлоқлари.
Шу қишлоқдан юракка чўғ солди сулув,
Учрашолмай ўйимнинг йўқ адоқлари.

Гул ниҳолни излаб бордим шу қишлоққа,
Сулув ўсган мушк-анбарли гул чорбоққа.
«Ниҳолимиз қиммат», деб у кириб кетди,
Бамисоли юрагимни юлиб кетди.

Шу чорбоғнинг боғбонига мен «қул» бўлдим,
Сулув учун ҳам супурги ҳам гул бўлдим.
Терлар оқди юзларимдан товонимга,
Ахир сулув назар солди гул ҳолимга.

Тиним билмай чорбоғда гул қилавердим,
Гул баҳона сулувга кўз солавердим.
Аввалига сулув менга кулиб қўйди,
Шерлигимни билгач эса меҳрин қўйди.

Қумри булбул чорбоғимни ошён қилди,
Қуёш ва Ой нури боғни макон қилди.
Танлаб -танлаб суйиб қолган сулувгинам,
Менга умрлик вафоли ёр бўлиб қолди.

Бу қўшиқдан сўнг, кўзлари чақнаб, мўйлови ўйнаб атрофга шўхчан-шўхчан қараб Эломон бахшининг «тоғлик бўз йигит шаҳарлик бир сулувга ошиқ бўлиб, тоқ сўқмоғидан ҳар тонгда эниб, сўзларига жавоб ололмай кечаси шаҳарда қололмай, ахийри сулувга қараб, бирор жавоб сўраб, юрагини тинчитса тоғ оҳусидан нажот излаб кетишини айтиб, охирида сулувнинг розилиги олгани» ҳақидаги воқеани айтиб турган жойи:

Тоққа кетаман

Кипригинг найза қиб отмасдан менга,
Оҳу кўзли сулув қўзинг олиб тур.
Ҳуснингга ҳавас-ла боқаман сенга,
Қошинг камон қилиб киприк отмай тур.

Кўрганман тоғларим ҳуркак оҳуси,
Ҳар қандай сайёднинг ақлин олади.
Камон қошинг отган киприк ўқи,
Мен сайёд юрагин тешиб боради.

Сендаги жозиба, сенинг нигоҳинг,
Не сабаб росмана, ҳушим оғдирмиш.
Илоҳий куч борми, сенинг висолинг,
Тоғлар сўқмоғидан ҳар тонг эндиришиш.

Ўтинаман сендан, оҳу кўз сулув,
Дардларимни кўзлаб менга кўз тикма,
Қош ўйнатиб дилга соласан қўрқув,
Бирор сўз айтишга ё тилинг йўқма.

Айта қол майлига дилинг розини,
Аччиқми-чучукми қулоқ тутаман.
Жаранглатмаса-гар юрак созимни,
Нажот сўраб оҳудан тоққа кетаман.

Шундан сўнг, шаҳарлик бўз йигитнинг тоғ оҳусидан на-
жот сўрайман деб, севган сулув қизини қўрқитиб, тўйга ро-
зилигини олиб, мастона-мастона куйлаб, учқур тулпорини
миниб, гўзал сулувига ваъдаларини бериб, «Сулув айтар
аллалар»деб қўшиқ айтаётган жойини Мулкомон бахши
дўмбирасига солиб айтиб турган жойи:

Сулув айтар аллалар

Дупур-дупур отим борар ўйноқлаб,
Мен бораман бир сулувни сўроқлаб.
Топсам уни жийдали қишлоғидан,
Эъозлайман бир умрга ардоқлаб.

Тоғ лоласин қиб поёндоз йўлига,
Зумрад кўзли узук тақиб қўлига.
Силаб-силаб гажак-гажаг зулфини,
Ари бўлсам лабларининг болига.

Тубсиз осмон қат-қатидан териб юлдуз,
Балдоғ қилиб осиб қўйсам қулоғига.
Завқланса-ю, рози бўлса оҳу кўз,
Олиб чиқсам Бойсун тоғнинг булоғига.

Булоқ боши турфа гуллар макони,
Унда бўлган дилда қолмас армони.
Тўй розиси бол лабларга тегса лаб,
Тиниқлашар Бойсун тоғнинг осмони.

Тўй бошланиб тутилганда чимилдиқ,
Ёнгинамда турса кўзлари сузук.
Елкамизни тикиб қўйса янгалар,
Бешик тўйда сулув айтар аллалар.

Севгисидан маст бўлиб, давру-давронини суриб, учқур бедовини ўйнатиб, тоғ сўқмоғидан кетаётган йигитга йўл устидаги яйловда ўтов тиккан бийнинг ниҳоятда гўзал, ҳурлиқо, ҳар қандай йигит юзига тик қарай олмайдиган келини хуштор бўлиб, ҳар сафар кўзини сузиб, қош ўйнатиб имо қилавергач, йигит тулпори устидан тушмай, сулувга қараб «Султонинг бордур сенинг дўст бўлиш мақсадинг бўлса розиман, балки қуда бўларман», деб турган жойини Эломон бахши дўмбирасига солиб айтиб турган жойи:

Султонинг бордур сенинг

Мақсадинг недур эй сулув, бунча менга боқасан,
Тутаб турган вужудимга, нега олов ёқасан.
Қасдинг борми айтгин ростин, қошларингни қоқасан,
Қўй, бундай боқмагин сулув, султонинг бордур сенинг?!

Топганинг бордур сулув, лабингдаги болларингдан,
Рашк қилар шабададан, силаб ўтса холларингдан.
Султонинг сезса агар, маймун йиғлар ҳолларингдан,
Қўй, бундай боқмагин сулув, султонинг бордур сенинг?!

Ҳавасим келар сулув, сочинг силар шамолларга,
Йўлдан урмасин сени, инсоф берсин ёмонларга.
Вафо қилиб севгига, қилиб қўй биз томонларга,
Қўй, бундай боқмагин сулув, султонинг бордур сенинг?!

Дўст бўлиш орзуинг бўлса, жон деб рози бўладирман,
Фарзандинг ила кўрсам, чандон хурсанд бўладирман.
Танамда жоним борки сени ҳурмат қиладирман,
Қўй, бундай боқмагин сулув, султонинг бордур сенинг?!

Шунда сайилдагилар сергак тортди, тулпор минган йи-
гитга тасаннолар айтди.

Навруз сайли тобора авж олиб, бахшилар сумалак, гўжа
оши, ғилминди каби «Навруз» сайлининг тансиқ таомлари-
га тўйиб, Алпомишлар юртида бўлиб ўтган «Бойсун баҳо-
ри»да тенгдош-қурдош жўраларининг жўр бўлиб айтиша-
диган қўшиқларини айта бошлади.

Дастлаб Мулкоман бахши бир мактабда таҳсил олиб
бир умрлик сирдош-тенгдош бўлиб қолган синфдошлар-
нинг эндиги навбат фарзандларини дўст қилмоқчи эканли-
гини айтаётган жойдан бошлади.

Синфдошим

Ёшликнинг чаманидан чечак-гуллар тердик биз,
Билим чашмасин излаб, чанқоқ босди қилдик биз,
Абадийга дўст бўлиб, даври-даврон сурдик биз,
Бир умрлик сирдошим, тенгдошим-синфдошим.

Жилдираб жилғалардан энди тошар ирмоқлар,
Хумор қилар Сиз билан қувалашган ўтлоқлар,
Абад дўстмиз баримиз сафдош-қурдош ўртоқлар,
Бир умрлик сирдошим, тенгдошим-синфдошим.

Тўй бўлганда хизматнинг буди-борки бизники,
Даврадаги қўшиқнинг нафис зўри бизники,
Созандалар созининг оҳанг жўри бизники,
Бир умрлик сирдошим, тенгдошим-синфдошим.

Ватан остонасига майли фидо жонимиз,
Синфдошлар лозим деса, бўлсин раво қонимиз,
Орзуларда яшаймиз, дилда йўқ армонимиз,
Бир умрлик сирдошим, тенгдошим-синфдошим.

Ватанимиз олдида ёруғ доим юзимиз,
Навбат кутиб турибди бунда ўғил-қизимиз,
Уларни ҳам дўст қилиш бизнинг бош мақсадимиз,
Бир умрлик сирдошим, тенгдошим-синфдошим.

Сайил бўлаётган адирда ёшлар ўз синфдошлари билан
тўп-тўп бўлиб бу қўшиқни қайта-қайта айтди. Шундан сўнг
навбатни олган Эломон бахши бир гуруҳ йигит-қизларнинг
жўр бўлиб «Келгин бойсун баҳорига» дея айтаётган чақи-
рувини дўмбирасига солиб айта бошлади.

Келгин «Бойсун Баҳори»га

*(«Бойсун баҳори» Халқаро очиқ фольклор
фестивалига)*

Қору-музлар эриб кетди,
Қир адирда лола битди.
Файзли кунлар юртга қайтди,
Келгин «Бойсун баҳори»га.

Мушк-анбарли тонглар отди,
Новдалари чечак тақди.
Кўнгиллардан ғубор кетди,
Келгин «Бойсун баҳори»га.

Алпомишнинг авлоди бор,
Бойчибордек тулпори бор,
Барчинойдек дилдори бор,
Келгин «Бойсун баҳори»га.

«Омонхона» шифо-маскан,
Дардга даво гиёҳ ўсган.
Келган киши шифо топган,
Келгин «Бойсун баҳори»га.

Вафоли дўст изласанг-да,
Топмасанг ҳеч замонларда.
Дуст учун жон берар бунда,
Келгин «Бойсун баҳори»га.

Сайил энди тўп-тўп бўлиб жўр бўлиб ҳар мавзудаги «Наврўз» қўшиқларини куйлашга ўтиб кетди...

Бойсуннинг сўлим гўшалари, шифобахш тоза сувлари, дилни яйратар гиёҳлари, фидойи инсонлари кўп. Томоғи оғриган дардига малҳам – томоқ оғриғидан қиш чилласида ҳам ичсангиз холос қиладиган Хўжамайхона шифобахш суви қувур билан минг уйли Дарбандга Мустақиллик ту-файли келди. Халқ катта сайли Ўзган дарёсининг кўприги устида ўтиб, сув қувури қурилишидаги фидойиларни олқишлади, ниятларини айтиб истаклар тилади. Ишбоши Бахтиёрлар ва қувурчилар фаолиятини қўшиқ қилиб куйлади. Халқимиз азалдан сув олиб келганни эъзозлаган, сув берганнинг савобини беқиёс деган. Мана шуни дўмбирага солиб бир айтай деб Мулкомон бахши айта бошлади.

Олқиш

(Хўжамайхона суви минг хонадонли Дарбандга келди)

Кўп асрлик орзуларинг бу кун келиб ушалди,
Юртбошимиз меҳри тушиб «Пўлат қувур» тўшалди.
«Оби-ҳаёт» меҳнатила, Майхонанинг сувин ичиб,
Чанқоқ халқим баҳри-дили бу кун келиб ёзилди.

Бахтиёрлар, бахтлисизлар, халқ олқиши бу кун сизга,
Беш вақт дуо айлар халқим, қувурда сув келди бизга.
«Сув берган савоб», – деган, кўп азалдан доно халқим,
Фарҳод, Қосим, Нормуродни олқишлайди энди халқим.

Мустақиллик бўлмаганда бу қувончлар қайда эди,
«Кўприк устида» чақчақлашиб, сув ичишлар қайда эди.
Ибройим, Бозорларга халқ олқиши тегмас эди,
Буюк халқим меҳнатларинг сароб эди, чўлда эди.

Шунда «Ҳой сайилга келганлар, Ватан мадҳини куйладик, замон мадҳини куйладик, табиат гўзаллиги-ю ёр вафосидан сўзладик. Мустақиллигимизни дostonлар қилурмиз, дилда гаплар кўп ҳали.

Энди бир ҳаммамизга эъозли инсон, мунис меҳрибон оналаримиз вакиласи аёлларимиз ҳақида билганимча айт-тай», деб Эломон бахшининг куйлаб турган жойи:

Аёл

Сарбон етаклаган каби карвонни,
Боласин етаклаб боради аёл.
Уммон табратгани каби кемани,
Бешикни тебратиб туради аёл.

Аёл соғ, инсон соғ, мунаввар олам,
Аёл тинч, олам тинч, аёл мукаррам.
Аёл табассумда, мусаффо осмон,
Аёл бор, соғ омон завқлидир замон.

Умрида ғам нима билмасин аёл,
Эрига бевафо бўлмасин аёл.
Эр бошида айлансин тегирмон тоши,
Кўзгуда кўз ёши кўрмасин аёл.

Дунёда бор минг хил ташвишу хаёл,
Авалло боласин ўйлайди аёл.
Тилга кириб табиат сўраса истак,
Гўзаллик-омонлик бўлсин, дер аёл.

Мана сайилимиз ҳам охирлаб қолди. Асосан ёшларимизга, ўсмирларимизга, қолаверса, ҳаммага айтадиган гапим бор, дея сўзини бошлади Мулкомон бахши.

Миллатни йўқотишнинг осон йўллари дан бири, унинг тилини ва тарихини йўқотишдир. Буни ҳукмронлик қилган бошқа миллат вакиллари, нодон, узоқни билмайдиганларнинг ўзига, бойлик сарфламай қилдирадилар. Мен бугун асра-

гин тилингни демоқчиман. Тинглаб, ўқиб олинглар, дея
Мулкомон бахшининг куйлаб турган жойи:

Асрагин тилингни

Ўйнаб айтсанг ҳам болам,
Ўйлаб айтгин гапингни.
Қопиб айтма бирор гап,
Топиб айтгин гапингни.

Сенинг айтган гапларинг,
Қулоқнимас болажон,
Юракни ҳам ларзага,
Келтирсинда болажон.

Одоб боши тил турар,
Билиб қўйгин болажон.
Шу сабабли сўзингни,
Тўғри сўзла болажон.

Гўзаллиги тилингнинг,
Хуснинг бўлмаё ўзингга,
Давлат билан миллатнинг
Хусни бўлур болажон.

Тилингни соф сақлагин,
У миллатнинг кўзгуси.
Тили йўқолган халқнинг
Миллат бўлмаё тўзгуси.

Шунда сайилдаги оқсоқоллардан сўзга чечан Эшбой Менгли деган оқсоқол: – Ў-ў-ў, бахшилар, қани ўтаётган йилимизда нима эсда қоладиган воқеа бўлди-ю, нима бизни қайғуга солди, нимадан афсусландик, нимадан қувондик, шуларни сўзланг,– деди.

Шунда Эломон бахши: – Қувонтирадигани, минг йиллик орзумиз, Алпомишлар юртига, ипак йўлининг бир бе-

катига, толмас тулпори бор карвонлар келди. Юртга қувонч келди, омад келди. Париж-Покистон қатновчи сайёҳ Бойсун бекатида тўхтаб ўтадиган, Алпомишлар юртини кўрадиган бўлди. Шу ҳақда халқнинг оғзида Бойсунга поезд келиши муносабати билан айтилаётган гапларни дўмбира нағмасига қўшиб айта бўлмаса,— деб дўмбирасини донадона чертиб айта бошлади:

Бойсунга поезд келди

Туя юрган йўллар қолди мозийда,
«Пўлат из»дан юрар карвон ҳозирда.
Бойсундай сеҳрли кўркам манзилга,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Изғиринлар ўтгач, қутли наҳорда,
Фаслар эркаси файзли баҳорда,
Юртбошимиз меҳри тушган диёрга,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Буюк ипак йўлин бир бекатига,
Жаҳонни боғлагани йўлнинг четига,
Фарҳоду Шириннинг азиз юртига,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Халқлар аҳиллигин қилиб намоён,
Ўтар карвонимиз «Париж-Покистон».
Асрга татирли ишдан дўст шодмон,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Бойчибор ўйноқлаб, Алпомиш кулиб,
Барчиной меҳмонга нон-тузин тутиб,
Ҳироту Самарқанд йўлидан ўтиб,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

«Пўлат из»да чиқар уммонга карвон,
Очилади қанча олтин-кумуш кон,

Дунёга бўйлашга яралди имкон,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Маърифат чироғин тутиб қўлига,
Истиқлол зиёси юрган йўлида,
Шукур, Усмонларнинг суйган элига,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Юлдузлар порлаган, софдир осмони,
Даҳолар ғояси тебрар жаҳонни,
Обод қилиш учун кўҳна маконни,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Кеча сароб эди-орзу қалқиди,
Кекса-ёш қалбида қуёш балқиди,
Ғоя муаллифин барча алқади,
Темир тулпори бор карвонлар келди.

Шунда навбатни олган Мулкомон бахши дўмбирасини гамгин гумбирлатиб, давом этди: – Ҳа юртдошлар ҳамма нарса эгизак бўлар экан! Бойсунда бу йил қувончли йил бўлиши билан бирга катта йўқотиш бўлди. Алпомиш юрти, Бойсунни оламга танитган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, орамиздан боқий дунёга сафар қилди. Бойсунда минг йиллик арчалар боши эгилди, мотам тутди, тоғларнинг тоши йиғлади, ларзага тушди. Афсус халқ фидойиси, адабиёт фидойиси, бор гапни тўғри айта оладиган, ҳақ гапни айтишда ҳамма шахсий манфаатидан кеча оладиган, ўзбек адабиёти ривожига ҳаётини бахшида қилган Шукур Холмирза билан Бойсун хайрлашди:

Устоз Шукур йўқ

Бойсуннинг тоғлари чинорлари бор,
Шарқироқ сойлари туморлари бор,
Бойсунтоғ мотамда, дилларда озор,
Энди орамизда устоз Шукур йўқ!

«Қуёш-ку фалакда кезар» беозор,
Унган ниҳолларда ғунчалар бисёр,
Баҳору, қишда ҳам гуллаган гулзор,
Бари бор... лекин устоз Шукур йўқ!

Йиғлади Бойсунда тоғларнинг тоши,
Эгилди минг йиллик арчалар боши,
«Нотаниш одам»лар, ҳам «Жўрабоши»,
Оҳ урар «эсиз» деб устоз Шукур йўқ!

«Динозавр» кетди тошларда изи,
«Ҳаёт абадий»дер «Ўзбек соддаси»,
«Кимсасиз ҳовлида» бир «От эгаси»,
Хўрсиниб йиғлайди, устоз Шукур йўқ!

«Ота юрт»да «Бодом қишда гуллади»,
«Тоғларга қор тушди», «Оғир тош кўчди»,
«Булут тўсган ой» ҳам самода учди,
«Букри тол» тагида устоз Шукур йўқ!

«Олабўжи» чиқди «Қора камар»дан,
«Тўрт сатр шеър» аъло бойлик ва зардан,
«Ўзбек характери» маълум азалдан,
Ўзбекнинг фарзанди устоз Шукур йўқ!

Ватанда «Озодлик» «Қумрилар сайрар»,
«Ора йўлда» қолмас, «Яшил Нива»лар,
«Аросат»да қолди армонлар, ғамлар,
Орамизда афсус, устоз Шукур йўқ!

«Оқтош»да «Устоз»ни «Хумор»и кутди,
Ҳижрон соғинчлар-да бу «Баҳор» ўтди,
Бир «Йўловчи» бўлиб «Сўнгги Бекат»ни,
Тарк этди-ю кетди, устоз Шукур йўқ!

«Битикли тош» дедик битган сатрини,
Баъзан билдик, баъзан билмай қадрини,
Баъзан айтиб, баъзан айтмай дардини,
Орамиздан кетди, устоз Шукур йўқ!

«Фарзандлари» бўлсинлар мангу омонда!
Хотирангиз қолар фоний замонда!
Алвидо! Тинч ухланг боқий маконда!
Хотиралар қолди... устоз Шукур йўқ!

Шунда ғамгин дўмбира куйини, ўйноқи куйга алмаштириб Эломон бахши ризқимиз бўлди ҳалол, ари йиғди бунда бол, кулди чин юртга иқбол, дея жўшиб айта бошлади. Шукур бўлсин, шукроналар бўлсин, Ўзбекистонимизга доимий иқболлар кулсин.

Чин иқбол кулди

Мустақиллик туҳфасин тумор қилган халқим бор,
Меҳмон бўлган сайёҳни хумор қилган юртим бор.
Мустақиллик туфайли Алпомишдек алпим бор,
Шундай юртда туғилиб, ўсганимдан фаҳрим бор.

Мустақиллик туфайли эгалидир юртимиз,
Сидқидилдан қўриқлар шер юракли Алпимиз,
Халқи учун фидойи Аллоҳ берган юртбоши.
Муносиб сарбонли юрт доим порлар қуёши.

Мустақиллик туфайли, жаранглади созимиз,
Энди жаҳон эшитар ўзбекча овозимиз.
Дўст билди, ағёр билди, Алпомиш авлодимиз,
Ҳавас қилса арзирли Буюк давлат қураимиз.

Мустақиллик туфайли тиклангандир қадрият,
Миллат, халқ деб тан олди жаҳонда башарият.
Соф осмонда нур сочар Улуғбек юлдузлари,
Абадий бахтли эрур юртим ўғил-қизлари.

Мустақиллик туфайли билдик кимлар бобомиз,
Америка борлигин илк бор айтган бобомиз,
Нил сувини ўлчаган Фарғоний ҳам бобомиз,
Ал-Бухорий, Фаробий, Навоийга авлодмиз.

Мустақилликда қўлда ҳадису-Қуръонимиз,
Бармоқла санаб бўлмас, чексиздир имконимиз.
Обод бўлди «Етти пир», боқийлар маконлари,
Шукур деб дуо айлар юртим кампир-чоллари.

Мустақиллик туфайли биз ҳеч кимдан каммасмиз,
Имконлар бор беқиёс, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.
Мустаҳкамдир пойдевори дунёга бўйлашамиз,
Лозим бўлса фидо жон, биз Ватанни сақлаймиз.

Мустақиллик туфайли ризқимиз бўлди ҳалол,
Гул ҳидидан маст бўлиб, ари йиғар буида бол.
Ўн тўрт ёш қоматимга ағёрларим қолар лол,
Абадий бўл истиқлол, бизга кулди чин иқбол.

Бахшиларнинг сўзларини ҳамма сут уюгандай жим тин-
глади. Охирида чор тарафдан «Бор гапларни тўғри айтдин-
гиз», — деган олқишлар эшитилди.

Шунда бахшилар: Энди сайилимизни якунласак. Аллоҳ-
га шукроналар қилиб юртнинг ободлигини, халқнинг хо-
тиржам фаравонлигини, дунёнинг тинчлигини берсин, деб
яратган Тангридан тиласак дея, сайилга келганлар жўр
бўлиб, қўлига дўмбирасини олиб, уни жўргалатиб, ҳар хил
нағмага солиб жўшиб айта бошлади.

Қулоқ солинг сўзима,
Сайилдаги яхшилар.
Эл дардини сўзлаган,
Жами ўтган бахшилар.

Эгали Эл халқ бўлар,
Сарбонлиги давлат бўлар.
Тўқсон икки бовли халқмиз,
Сарбонлик буюк давлатмиз.

Шукроналар қилармиз,
Порлоқ отар тонгимиз.
Ёруғ жаҳон кўрарга,
Чақнаб турар кўзимиз.

Меҳнат завқин сур дейди,
Оёғимиз, қўлимиз.
Халқ олдида доимо,
Ёруғ бўлсин юзимиз.

Иш барори доим боғлиқ ниятга,
Қолганлари ҳунар билан қувватга.
Омин денглар, ҳамма етсин мақсадга,
Мақсадларга доим етинг яхшилар.

Билганимиз айтдик, якун сўзимиз,
Иза тортиб қизармасин юзимиз.
Шукрона бугун тирик ўзимиз,
Яратганим тўлдирсин-да камимиз!

МУНДАРИЖА

Ёзганларим ҳақида	3
Алпомишнинг садоқати	5
Бойсунқур бахшининг деганлари	43
Қонун ҳимояда	44
Ҳаром ўлибсан	45
Чаёнга	46
Асрагин болам	47
Ўзбекнинг бахти учун сизни сақлаймиз	48
Аллоҳга шукур қиб... ..	49
Яратган эгам	51
Фитнадан сақла	52
Сайилдаги бахшпилар	54
Ватан мадҳи	54
Юртим Бойсун	56
Ҳур замон бўлди	57
Шукур дедим	58
Борим-борлигим	60
Кулди иқбол	60
Бознади чўғ	61
«Зангори олов» қутлуғ халқим.	62
Янги асрда	63
Инсон орзула яшар	64
Тоғ оҳуси	66
Булоқлар	67
Туғдонали булоғида	68
Сулувгинам	69
Тоққа кетаман	70
Сулув айтар аллалар	71

Султонинг бордур сенинг	72
Синфдошим	73
Келгин «Бойсун баҳори»га	74
Олқиш	75
Аёл	76
Асрагин тилингни	77
Бойсунга поезд келди	78
Устоз Шукур йўқ	79
Чин иқбол кулди	81

Адабий-бадиий нашр

ХИДИР ЧОРШАНБИЕВ

БОЙСУН ОҶАНГЛАРИ

Достон ва шеърлар

Муҳаррир

А. САИД

Бадиий муҳаррир

Б. БОЗОРОВ

Техник муҳаррир

Е. ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ

Т. НАЖМИДИНОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Ф. БОТИРОВА

ИБ № 41157

Босишга 22.09.2006 йда руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 2,75. Шартли босма тобоғи 4,62.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 218.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида гайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

ИЗОҲЛАР УЧУН

NATLIB.UZ